Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | www.uzas.uz | 2018-yil 18-may №21 (4471)

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15-17 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

16 май куни Оқ уй қароргоҳида давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокараларда Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди. Турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Жумладан, энергетика, икки томонлама савдо муносабатларини кенгайтириш, олий таълим ва академик тадқиқотлар, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича аҳдлашув протоколлари қабул қилинди. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда 2018 йилда Тошкентда Марказий Осиё савдо форумини ўтказишда ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандумлари имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида қўшма лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида меморандум қабул қилинди.

Бу келишувлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг тарихий аҳамиятга молик янги даврини бошлаб бериши шубҳасиз.

Ўзбекистон делегациясининг АҚШга ташрифи муносабати билан "Виллард интерконтинентал" меҳмонхонасида ташкил этилган қабул маросимида Шавкат Мирзиёев Дональд Трамп билан мулоқот ўзаро ишонч ва ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида ўтганини алоҳида таъкидлади. "Биз бу тарихий ташрифни кейинги икки йилда мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлигининг мантиқий давоми, деб биламиз. Гарчи мамлакатларимиз географик нуқтаи назардан бир-биридан олис бўлса-да, меҳнатсеварлик, бағрикенглик ва ватанпарварлик каби қадриятлар халқларимизни бирлаштириб туради", деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тарихи ва маданиятини чуқур ўрганиб, бутун дунёда кенг тарғиб этаётган Фредерик Старр ва бошқа америкалик олимларга ташаккур изҳор этди.

Тадбирда ўзбек мақом санъатини ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий меросини дунёда тарғиб этишга қўшган ҳиссаси учун мақом ансамблининг собиқ хонандаси Изро Малаковга Ўзбекистон Республикаси халқ артисти унвони берилгани эълон қилинди. Изро Малаков бундай юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ташрифнинг учинчи куни ҳам учрашув, музокара ва тадбирларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифи икки мамлакат манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат маҳкамалари алоқаларини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Жеймс Мэттис билан музокара олиб борди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

БУЮК АЛЛОМАЛАР, АДИБ ВА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларнинг қалбида она Ватанимиз ҳамда халқимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш, баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилади.

Улуғ аждодларимизнинг ақл-заковати ва бадиий даҳоси билан яратилган ноёб асарлар, хусусан, математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморлик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид манбалар нафақат бизнинг халқимиз, балки жаҳон аҳлининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Ана шундай беқиёс меросимиз асосида ташкил этилган "Ёш китобхон" танловида 250 минг нафарга яқин ёш иштирок этиб, танлов ғолибларига "Президент совғаси" – енгил автомашина топширилгани ёшлар ўртасида китобхонлик маданияти ривожланишига муҳим таъсир ўтказди.

Буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда жамоатчилик вакилларининг мамлакатимиз ёшлари ўртасида ўтказилган китобхонлик танловларини ижобий баҳолаган ҳолда, ушбу танловларни ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида "Ёш китобхон" танловини (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

б) танловни юқори савияда ўтказиш учун:

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ташкилий-амалий ишлар бўйича;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-ижодий ишлар бўйича масъул ташкилотлар ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда ўн кун муддатда "Ёш китобхон" танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Мазкур Низомда:

буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг меросини чуқур ўрганиш мақсадида алоҳида номинациялар бўйича танловлар ташкил этиш;

2018 йилги танловларни Ватанимиз тарихи ва халқимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Бердақ сингари буюк мутафаккирларимиз ижоди ва фаолияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, шунингдек, "Алпомиш", "Ғўрўғли", "Кунтуғмиш" каби халқ достонлари бўйича ўтказиш;

кейинги танловларни даврлаштирган ҳолда давом эттириш учун тегишли рўйхатларни шакллантириш;

танлов ғолибларини мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, хусусан, республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган қатнашчиларни енгил автомобиллар билан тақдирлаш, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ва фаол иштирокчиларни ҳам муносиб рағбатлантириш чоралари назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги танлов номинацияларида белгиланган буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг асарларини, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид китоб ва рисолаларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш ҳамда таълим муассасалари кутубхоналарига, тегишли веб-сайтларга, ахборот-ресурс марказлари ва кенг ўқувчилар оммасига етказиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор ижроси билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.М.Султонов ва Қ.К.Қуранбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 май

САОДАТЛИ САФАРЛАР ▶2

Ҳар юракнинг ўз баҳори бор

Май – баҳорнинг энг етук палласи: ғалла бошоққа, бедалар гулга кирган, борлиқ ҳам ишққа инган масрур дамлар. Ҳассос шоир Ҳамид Олимжоннинг сатрлари ёдга тушади:

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,
Ҳар бир қалбга
Ишқ бўлар меҳмон.
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,
Бўстон этар уни бегумон...

...Йўллар хаёлларга суръат беради. Поёнсиз осмонга туташиб кетган кўм-кўк далалар ҳаёт сурурини бахш этади. Сафарлар ижодкорни ана шундай ҳайратлантириб, илҳомлантириб, қоғоз қоралашга, ижод қилишга ундайди. Халқ ҳаёти, одамларнинг қалб кечинмалари, орзу-умидлари ҳақида сўз юритиш учун уларнинг орасида бўлиш адибга илҳом ва ижод доясидир хизмат қилади.

Элимиз ардоғидаги бир гуруҳ шоиру носирлар, адабиётшунос олимлар билан Жиззах вилоятига қилган сафаримиз ана шундай қалб кечинмалари билан бошланди...

НУРАФШОНДАН КЎНГИЛГА ИНГАН НУР

Тошкент вилояти юртимизнинг сўлим табиати, ҳосилга кон ерлари, бағрикенг, ишбилармон ва истеъдодли инсонлари билан машҳур. Нурафшон шаҳри айни пайтда ободончилиги, замонавий қиёфа касб этаётгани билан гўзалдир.

Нурафшондаги янги бинолар қаторига яқинда яна бир хушбичим иморат қўшилдики, бу нафақат шаҳарликларни, балки вилоятдаги барча ижодкорларни хушнуд этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими учун барпо этилган бинонинг расмий очилиш маросими чинакам шодиёна тусини олди.

Янги бинонинг очилиш байрамида Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, вилоят ва туман ҳокимликлари, "Оила" илмий-амалий маркази вакиллари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Унда Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти, уюшманинг Тошкент вилояти раиси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги кунда қалам аҳлига қаратилаётган улкан эътибор, ёш қаламкашларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган изчил тадбирлар ҳақида гапиришди.

Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари Адабиёт уйи билан танишдилар. Бинонинг биринчи қаватида "Оила" илмий-амалий маркази, иккинчисида эса Уюшманинг вилоят бўлими жойлашган. Бу ердаги ёруғ ва шинам хоналар, замонавий мебелларни кўриб кўз қувнайди. Нурафшондан кўнглимизга илҳом нурлари иниб қайтдик.

Наргиза АСАДОВА

Уюшма фаолиятидан

АДАБИЙ ҲАМКОРЛИК

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдаулет бошчилигида бир гуруҳ қозоғистонлик ижодкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ташриф буюришди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Қозоғистон Ёзувчилар уюшмалари ходимлари, шоир ва ёзувчилар, тарихчи ва педагог олимлар иштирокида дўстона учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар икки қардош халқнинг адабий алоқалари ривожида мустаҳкам кўприк экани таъкидланди ва бу борада биргаликда амалга оширилдиган вазифалар келишиб олинди. Тадбирда Қозоғистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасиси, Ўзбекистондаги Қозоқ миллий маданий маркази вакиллари ҳам иштирок этишди.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили адабиёти ва фольклори институти, Маданият вазирлиги, Ғафур Ғулом уй-музейи ҳамкорлигида устоз Ғафур Ғулом таваллудининг 115 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулом ижодининг мустақиллик давридаги аҳамияти ва ёш авлодни тарбиялашдаги роли" мавзусида илмий-назарий анжуман ҳамда фото ва китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир Борис Пакнинг ижодий фаолияти Ўзбекистон билан боғлиқ. Унинг болаларга аталган кўплаб шеърлари ўрта мактаб дарсликларига киритилган ва фарзандларимизнинг севимли қўшиқларига айланган.

Ёзувчилар уюшмасида шоир Борис Пакни ЮНЕСКО қошидаги Бутунжаҳон фалсафа форумининг махсус дипломи билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур мукофот ижодкорга болаларга бағишланган асарлари учун тақдим этилди.

УСТОЗ ХОНАДОНИДА

Бир гуруҳ ижодкорлар Жиззах вилоятида истиқомат қилаётган 90 ёшли таниқли адиб Мели Норматов хонадонида бўлиб, адибга Ёзувчилар уюшмасининг совғаларини топширишди ва устознинг ҳаётий ҳикматлари, ижодий тажрибаларидан сабоқ олишди.

БУХОРОДА АДАБИЁТ САБОҚЛАРИ

Республика ёш ижодкорларининг анъанавий "Зомин" семинарининг ҳудудий босқичи Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Навоий ҳамда Бухоро вилоятларидаги ёш ижодкорлар назм, наср, драматургия, бадиий публицистика, таржима, адабий танқид ҳамда болалар адабиёти йўналишларида ўз машқларини синовдан ўтказишди.

Ёш қаламкашларнинг ижодий тақдимоти ва унинг муҳокамаси, ўзаро фикр ва тажриба алмашув йўсинида кечган семинарда "Маҳорат дарслари" ташкил этилиб, иштирокчилар бадиий ижод сирларига оид кўплаб саволларга жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Президентимиз ташқи сиёсатимиздаги очиқлик ва яхши қўшничилик принципларига асосланиб, Ватанимиз суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизнинг янги Мудофаа доктринаси қабул қилингани, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилиб, ҳарбий билим юртлари ислоҳ қилинганини таъкидлади.

Ўзбекистон бу соҳада Америка Қўшма Штатлари билан тажриба алмашиш, ҳарбий, ҳарбий-техникавий, мудофаа ва хавфсизлик йўналишларида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, деди Шавкат Мирзиёев.

АҚШ мудофаа вазири Ўзбекистон минтақада муҳим геостратегик аҳамиятга эга давлат эканини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг очиқ ва конструктив ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳити яратилди. Афғонистон Президенти Ашраф Ғани билан мулоқотларингиз, Афғонистон ишлари бўйича махсус вакил тайинлаганингиз муҳим аҳамиятга эга. Расмий ташрифингиз доирасида қабул қилинган беш йилга мўлжалланган ҳарбий ҳамкорлик режаси минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди Жеймс Мэттис.

Учрашувда мудофаа ва хавфсизлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларидаги муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Капитолийда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли бошчилигидаги конгрессменлар билан учрашди. Мулоқотда икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган муносабатлар қарор топгани қайд этилди. Парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз парламент ва ҳукумат даражасидаги икки томонлама ташрифлар фаоллашгани сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Сенати Раиси ўринбосари, молия бўйича қўмитаси раиси Оррин Хэтч бошчилигидаги сенаторлар билан мулоқот қилди. Суҳбатда парламентлараро алоқалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи дастуридан ўрин олган мазкур учрашув стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу куни Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари узоқ йиллардан буён Жаҳон банкида ишлаётган юртдошларимиз билан кўришди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан мазкур банк ўртасидаги ҳамкорлик энергетика, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизация қилиш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини қамраб олган. 2020 йилгача ҳамкорлик бўйича қўшма дастурга 27 та муҳим лойиҳа киритилган. Уларнинг умумий қиймати 4 миллиард доллардан иборат бўлиб, унинг 3 миллиард доллари Жаҳон банки кредитларидир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган йирик иқтисодий лойиҳаларда Жаҳон банки билан ҳамкорлик юксак самара бераётганини қайд этди. Ўзбекистон Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Учрашувда истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилиб, амалий алоқаларни янада кенгайтириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди. Боғдорчиликни ривожлантириш, шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, саноат корхоналарининг энергия тежамкорлигини ошириш, иситиш тармоқларини модернизация қилиш, молиявий консультатив хизмат кўрсатиш каби соҳаларга оид битимлар имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифи якунига етди. Ўзаро муносабатлардаги тарихий воқеа бўлган ушбу ташриф ҳамкорликни янги поғонага кўтариши шубҳасиз.

Абу Бакр ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири.

Тошкент – Вашингтон – Тошкент.

САОДАТЛИ САФАРЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ҳаётга ошуфта лаҳзалар

Мамлакатимиз тараққиёти янги паллага кирди. Янгиланишлар руҳи сафар асносида янада яққол сезилади. Айниқса, йўлдошларинг борлиқни бадиий идрок этадиган, ўзига хос тимсол, ташбеҳ ахтарадиган синчи сўз усталари бўлса! Эътиборга молик ҳар бир манзара уларнинг нигоҳидан четда қолмайди. Ҳаяжону ҳайрат тўлқинлари юракдан юракларга кўчади. Зеро, ижодкорга сув ва ҳаводай зарур бўлган илҳом манбаи ҳам шу неъмат – ҳайрат, ҳаяжон!

Жиззах шаҳрига кириб келар эканмиз, йўл атрофида бунёд этилган замон нафаси уфуриб турган кўп қаватли уйлар, дўкону бозорлар, ораста йўлаклар, боғу боғчалар, қийғос гуллар кайфиятингни чоғ этади. Ширин ташвишлари билан андармон одамлар чеҳрасида хуш кайфият барқ уради...

Ижодий сафар атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидовнинг Жиззах шаҳрида бунёд этилган ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди. Мазкур тадбирда вилоят фаоллари, худудда яшаб ижод қилаётган носиру шоирлар, ёшлар иштирок этди. Шундан сўнг ушбу улуғвор майдонга туташиб кетган хиёбонда қад ростлаган, халқимизнинг суюкли фарзандлари Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимга ўзгача эҳтиром билан барпо этилган ёдгорлик мажмуаси пойига гул қўйилиб, таъзим бажо келтирилди.

Халқимиз меҳр-муҳаббат, садоқат тимсоли сифатида улуғлайдиган бетакрор шоира Зулфияхоним "Ҳаёт варақлари" эсдаликларида Ҳамид Олимжонни шундай хотирлайди: *"Назаримда, бизни ҳаётга бўлган ошуфталик бирлаштирган..."*. Бу айни ҳақиқат эди! Умр сувдек оқиб кетган бўлса ҳам, уларнинг ёди қалбимизда эгизак хотиралар бўлиб муҳрланган.

Саёҳат вилоят болалар кутубхонасида давом этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, таниқли адиблардан ташкил топган ижодий гуруҳ кутубхонада ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Зиё масканида ёшларнинг мутолаа завқини туйиши учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш борасида таклифлар билдирилди.

"Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали..."

Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган мактаб-интернати. Президентимизнинг эътибори, меҳри билан ташкил этилган ижод мактаби. Бу ерда таҳсил олаётган ўғил-қизларнинг қалбида ижод куртаклари ниш урмоқда.

Шеърларини тўлқинланиб, гоҳ баланд овозда, гоҳ шивирлаб ўқиб, кўнгилга озуқа, завқ олган шоиринг билан дийдорлашиш ўқувчи учун чинданда ҳаяжонли. Айниқса, ижод мактаби ўқувчиси учун бу – юксак билим ва сабоқ. Сафарнинг асл мақсади ҳам шу эди, аслида. Меҳмон ижодкорлар аввалдан қилинган режа асосида ўзлари учун ажратилган синфхоналарга кирди.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид 8-синф, филология фанлари доктори, адабиётшунос олим Нўъмонжон Раҳимжонов ҳамда "Маънавий ҳаёт" журнали бош муҳаррири, шоир Эшқобил Шукур 7-синф, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири, таниқли адиб Аҳмаджон Мелибоев 6-синф, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон 5-синф ўқувчиларига ижод масъулияти, мавзу танлаш ва ёзиш техникаси борасида сабоқ берди. Дарс жараёни қизғин кечди, қирқ беш дақиқага мўлжалланган сабоқлар бир ярим соатда ниҳоялади. Ўқувчиларнинг ижодий машқлари тингланди, таҳрир сабоқлари ўргатилди. Ўғил-қизлар ижодкорларни турли мавзулардаги саволларга "кўмиб" ташлади. Масалан, бир ўқувчи Аҳмаджон Мелибоевга савол берди:

– Болаликда нимани орзу қилгансиз?

Устоз жилмайиб жавоб қилди:

– Яшаб турган уйимизнинг томидан чакки ўтмаслигини! – Синфхонага сув қуйгандек жимлик чўкди. – Рост, ёмғир ёғса, уйимиздан чакки томар эди: ҳаммаёқ шалаббо... Сизда бундай қийинчиликлар йўқ: чиройли уйлар, ўқиш учун кутубхоналар, мана бундай мактаблар, боғ-роғлар – ҳаммаси муҳайё!

Шу ўринда, ижод мактаби хусусида икки оғиз сўз: мазкур таълим муассасаси бир юз эллик ўринли ўқув биносига эга. 2017–2018 ўқув йилида фаолиятини бошлаган билим даргоҳида айни дамда 120 нафар ўғил-қиз таҳсил олаётир. Ўқувчилар психологик сўровнома, она тили ва адабиёт фанидан тест асосида танлаб олинган. Юз ўринли ётоқхона, етмиш беш ўринли шинам ошхона билан таъминланган.

Мактабда маънавий-маърифий тадбирларга кенг ўрин берилган. 24 нафар малакали ўқитувчи-мураббий ўқувчи-ёшларга таълим бермоқда...

Ушбу ижод мактабида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Маъмура Юсупованинг фаолият олиб бораётгани ҳам бизни қувонтирди. Маъмурахоннинг кўксини безаб турган кўркам нишон истеъдодли қизалоқларда ҳавас уйғотиб, уларни юксак марралар томон чорлаб турганини илғаш қийин эмас...

"Шоиру шеъру шуур..."

...Тушдан сўнг ижод мактабининг анжуманлар залида жиззахлик ижодкорлар, ёшлар, ижод мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари билан ижодий учрашув ўтказилди. Шеър ўқилди, савол-жавоблар бўлди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Сўзга чиққан адиблар бугун мамлакатимизда адабиёт соҳасини ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида давлатимиз томонидан яратилаётган имтиёзу имкониятлар, қилинаётган амалий ишлар, улуғвор режалар ҳақида сўз юритди.

Учрашув ажиб анжуманга айланди. Айниқса, Жиззах педагогика институти талабаси, ёш ижодкор Муҳайё Худойқулованинг "Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳайкали пойида" номли шеъри барчада илиқ таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан чоп этилган китоблар ижод мактаби кутубхонасига ҳадя қилинди. Ўқувчи-ёшлар таниқли ижодкорлардан дастхат олди, адабиёт байрами даҳлизу пиллапояларга, айвонларга кўчди...

Сарҳисоб

Ижодий сафар мактаб-интернат ўқитувчи-мураббийлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати билан давом этди: ижод мактаби фаолиятини такомиллаштириш, дарс жараёнларини қизиқарли ташкил этиш, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини юзага чиқариш борасида фикр-мулоҳазалар айтилди.

Суҳбат жараёнида, шунингдек, қабул имтиҳонларида албатта ижодий суҳбатни жорий этиш зарурати тилга олинди. Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси Мирзоҳид Ибрагимов бу масалани ҳамкорликда ҳал этсак бўлади, деди.

Мулоқот давомида мактабда таниқли ижодкорларнинг ижодий маҳорат сабоқларини мунтазам йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг ижодий машқларини республика болалар нашрларида ёритиш, болалар кутубхоналари билан онлайн учрашувларни ташкил этиш ва бошқа муҳим масалалар бўйича келишиб олинди.

Шу куни кечқурун пойтахтдан келган таниқли ижодкорлар, шунингдек, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби вакилларини Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев қабул қилди. Мулоқот жараёнида ижод мактабининг ютуқлари, яқин орада қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида фикр алмашилди.

Учмадаги учрашув

Учма қишлоғи Фориш туманидаги баланд қоялар бағрида жойлашган илҳомбахш, сўлим гўша. Ижодий сафарнинг кейинги куни мазкур қишлоқда жойлашган 28-мактабда давом этди. Қизғин суҳбатлар шеърга уланди. Ўқувчилар кўзлари порлаб шеър айтганида, жаранги қояларда акс садо берди.

Мушоира айни авжига чиққан чоғда қизиқ ҳодиса рўй берди: хонага бир жуфт қалдирғоч учиб кириб, шеър оҳангига ҳамоҳанг чуғурлай бошлади. Гўё улар даричадан эмас, шеърият бўстонидан учиб келгандай эди. Бу ҳол кечага ўзгача шукуҳ, қалбларга фараҳ бахш этди. Ҳолатга мос шеърлар янгради:

Қалдирғочларга бер айвонларингни,
Эгаси бор юртнинг эртаси бордир...

Улуғбек Кенгашев, Лола Сафарбоева, Муаттар Муҳаммедова каби ўқувчилар томонидан ўқилган улуғ шоирларнинг шеъру ғазаллари меҳмонларни ҳам, учмаликларни яна бир бор адабиётга ошуфта этди.

...Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг пурмаъно сатрлари ёдга тушади: "Йўлчи йўлни не билур, то раҳнамо кўрсатмагай..." Зеро, адабиёти юксак халқнинг қалби, қадри, маърифати, маданияти юксак бўлади. Тафаккури теран миллат ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам тинчлигини, тотувлигини, дўстлигини қадрлайди.

Қалдирғоч қанотидек қошларга, рангидек тим қора қорачиқларга боқиб амин бўлдикки, Зулфияхоним айтганидек, "Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали..."

Нодир ЖОНУЗОҚ,
Фахриддин ҲАЙИТ

ЮКСАК ЭЪТИБОР

Муносабат

Биз ҳаётимиз шиддат билан ўзгараётган, кун сайин юртимизда янгиланишлар, юқори суратдаги бунёдкорлик жараёнлари кечаётган тарихий даврда яшамоқдамиз. Айниқса, инсон онги ўзгариб, илм-фанга қизиқиш, дунёни ва тарихни англашга, адабиётга, китобга меҳр уйғонаётир, яъни комилликка интилиш олий саодатга айланмоқда.

Қорақалпоғистон заминида ҳам халқнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқиб, эркин ва озод ҳаёт, фаровон турмуш, ойдин келажак эшиклари очилмоқда. Бунга Президентимиз томонидан юрт равнақини, турмуш фаровонлигини кўзлаб қабул қилинаётган қарор ва фармонлар катта йўл бермоқда, натижаси эса, ҳаётимиз фаровонлигида, дастурхонимиз тўкинлигида намоён бўлмоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ана шундай ғамхўрликнинг яна бир исботини кўрдик. Шу муносабат билан қорақалпоғистонлик таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, шунингдек, Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби ўқувчилари, ёш ижодкорлар, китобхонлар иштирокида "Қорақалпоқ адабиёти" газетаси таҳририяти ва Қорақалпоғистон Республикаси Болалар кутубхонаси ҳамкорлигида адабий анжуман ўтказдик.

Қарорда ҳар бир ижодкорнинг фаоллиги ва масъулиятини ошириш, элимизнинг фидокорона меҳнатини, озод ва обод турмушини, тинчлик-осойишталикни ва умуман, юртимизда эришилаётган ютуқларни теран акс эттирадиган асарлар яратиш долзарб вазифамиз экани таъкидланган. Шу билан бирга, ҳар бир ижодкорнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ижод учун уларга шароит яратиш ҳам кўрсатиб ўтилган. Адабиётда кекса авлод вакилларининг ижодий маҳоратини ёшларга сингдириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига, миллий адабиётимиз намуналарини чет тилларига ўгириш ва тарғиб қилишни йўлга қўйиш, интернет адабиётини шакллантириш сингари кўплаб муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бир сўз билан айтганда, ижодкорнинг яшаш ва ижод қилиши учун барча шарт-шароитлар кўзда тутилган.

Жумладан, китоб савдоси тизимини шакллантириш бўйича белгиланган тадбирлар ижодкорларимизнинг меҳнатини юзага чиқарадиган асосий омилдир. Ташкилотларнинг ўз маблағлари ёки жамғарма маблағлар ҳисобидан китоб сотиб олиши ва ахборот ресурс марказлари, кутубхоналар, маданият саройлари, маънавият хоналарини китоб билан таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар айни пайтда кутубхоналаримизни янада бойитади.

Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги барча нашрлар қатори "Амударё" журнали таҳририятини моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш назарда тутилгани қорақалпоқ адабиётининг равнақ топишига замин яратади. Албатта, бу ҳозирги замон жаҳон адабиётида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган қорақалпоқ адабиётига бўлган катта эътибордир. Ўзбекистон Қаҳрамонлари – Ибройим Юсуповдек атоқли шоир, Тўлапберган Қаипбергенов сингари йирик ёзувчининг изидан бораётган ижодкорларимизнинг бетакрор асарлари қорақалпоқ адабиётининг мангу булоқлари бўлиб, маънавиятимизни бойитиб бораверади.

Г.АННАҚИЛИЧЕВА,
Сенатор,
"Қорақалпоқ адабиёти"
газетаси бош муҳаррири

ШУКРОНА

Дил сўзи

Бу йил мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни кўтаринки руҳда нишонлангани барчанинг қалбида унутилмас таассурот қолдирди. Асосий тантаналар пойтахтимиздаги Ботаника боғида ўтказилди. Бу тадбирда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев қатнашганлиги, уруш ва меҳнат фахрийларини Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 73 йиллиги билан муборакбод этганлиги кўп миллионли халқимиз, тадбир иштирокчилари қалбига катта қувонч бағишлади.

Давлатимиз раҳбарининг: "Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен тарихчи олимларимизга, адабиёт ва санъат арбобларига, кенг жамоатчилигимизга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман. Бу даҳшатли урушда қатнашган ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ҳақида янги-янги асарлар яратиш, жумладан, аниқ тарихий ҳужжатлар асосида мукаммал китоб-альбом тайёрлаб, нашр этишнинг, ўйлайманки, вақти-соати келди", деган таклифи мамнуният ва хурсандчилик билан қўллаб-қувватланди. Бундай китоб-альбом ўсиб келаётган ёшларимизни ҳақиқий ватанпарвар, азалий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Чунки уруш ва меҳнат фахрийларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари ёшларимиз учун юксак ибрат намунасидир.

Иккинчи жаҳон уруши бутун инсониятга, шу жумладан, бизнинг мамлакатимиз халқларига ҳам бемисл йўқотишлар, мусибатлар ва талафотлар олиб келди. Даҳшатли уруш йилларида халқимиз одамийлик, мурувват, саховат ва бағрикенглик сингари бебаҳо фазилатлари билан дунёга танилди. Икки юз мингдан зиёд ота-онасиз болаларни саховатли инсонлар оиласи бағрига олиб, "Сен етим эмассан" дея уйининг тўридан жой берди, меҳр билан бошларини силади. Юртбошимиз ташаббуси билан ўн тўрт нафар етим болани ўз қарамоғига олган Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласига қўйилган ёдгорлик аввалги жойига ўрнатилиши, санъат саройининг ўз номи билан "Халқлар дўстлиги" деб аталиши ниҳоятда адолатли иш бўлди.

Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳайкали Олмазор туманидаги аввалги жойида қад ростлагани ҳам Ватан ҳимояси йўлида кўксини қалқон қилган моҳир қўмондон шахсига кўрсатилган юксак эҳтиром белгисидир.

Давлатимиз раҳбари Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида қайд этиб ўтганидек: "Бу ёвуз уруш туфайли қанча-қанча оилалар ўз боқувчисидан ажралди, гўдаклар етим, аёллар бева бўлиб қолди. Ўз жигарбандидан жудо бўлган минг-минглаб оналар қалбидаги алам ва изтиробни ифода этишга сўз ожиз".

Дарҳақиқат, жуда кўплаб оилалар қатори бизнинг оиламиз ҳам урушдан бемисл жабр кўрди. Отам 33 ёшида урушга кетиб, бир йилдан сўнг жангларда ҳалок бўлди. Онам 31 ёшида бева, мен эса бир ёшгаям етмай етим бўлиб қолдим.

6-синфда ўқиётганимда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси раҳматли Солиҳ Каримов уруш ва тинчлик мавзусида иншо ёзиб келишни топширди. Шунда мен ўқитувчимиздан: "Газетадан фойдаланиб ёзсак ҳам бўладими?" деб сўрадим. Ўқитувчимиз: "Ўқиб, мазмунини мушоҳада қилиб ёзсангизлар бўлади, лекин кўчириб эмас", деди. Меҳмонхонамизда отамнинг мўъжаз китоб жавонида ҳар хил газеталар сақланарди. Мактабдан келибоқ, жавондаги газеталарни энтикиб титкиладим. "Бухоро ҳақиқати"нинг 1943 йил 27 декабрь сонини олиб ўқимоқчи бўлганимда ичидан бир конверт чиқди. Шошиб очиб, ўқидим: **«Рядовой солдат Муратов Ахмет героически погиб на поле боя. Командир роты капитан А.И.Иванов.** ***21 декабря 1943 года. Город Сталинград"***, деб ёзилган экан унинг ичидаги хатда.

Юрагим титраб, кўзларимга ёш келди. Ўрнимдан туролмай ётиб қолдим. Бирон соат ўзимга келиб-келолмай ўксиб-ўксиб йиғладим... Орадан олтмиш йилга яқин вақт ўтгач, 2009 йили ана шу изтиробларим ва соғинчларим тасвирланган "Менинг бола қалбим" қиссасини ёздим. Асар шу йили нашр этилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев унга "Интизор қалб армони" сарлавҳали сўз ёзиб, яхши баҳо берди: "Менинг бола қалбим" асарини бир эмас, икки-уч марта ўқидим. Ўқиган сарим яна ва яна ўқигим келаверди. Кейин бунинг сабабини ўйлаб кетдим, топгандек бўлдим ҳам. ...Муаллифни табриклагим келди. Адабиётимизда суронли уруш йиллари ҳақида болаларга аталган, болалар дунёсидан олиб ёзилган бадиий асарлар йўқ ҳисоби. Қани энди, ана шундай қайта-қайта ўқишга арзийдиган асарлар кўпроқ яратилса эди, дея орзу қилдим".

* * *

Хотира ва Қадрлаш айёмида "Халқлар дўстлиги" майдонини кезиб, Собир Раҳимов ҳайкали пойида туриб ғурурландим ва бугунги ёруғ кунларимиз учун шукрона айтдим. Икки калима сўз ҳаёлимдан ўтди: "Илоҳим, бунёдкор халқимизга, тинчлигимизга ва фаровонлигимизга кўз тегмасин!.."

Менглибой МУРОДОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Ғазалдан ўниб чиққан гул

«Файласуфлар» нашриёти «Тафаккур хиёбони» туркумида таниқли файласуф олим ва истеъдодли шоир Абдулла Шернинг «Гўзаллик ёғдуси» номли фалсафий-эстетик асарлар тўпламини чоп этди. Китобда муаллифнинг нафосатшуносликка доир мақолалари, сонет назарияси ва тарихига бағишланган тадқиқотлари, «Санъатнинг олтин силсиласи» рисоласи ҳамда Ойбек, Шайхзода, Лермонтов лирикасини янгича таҳлилда тақдим этган асарлари ўрин олган.

Қуйида мазкур тўпламдан жузъий қисқартиришлар билан «Ғазалдан униб чиққан гул» номли тадқиқини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ёхуд сонет сирлари

Жаҳон адабиёти тажрибаси

Бундай мумтоз сонетнинг гўзал намуналари ни адабиёт тарихида Данте, Петрарка, Бокаччо, Камоэнс, Ронсар, Эредиа, Бодлер, Вордсворт, Мицкевич, Брюсов, Колар, Бехер ва бошқа ўнлаб машҳур шоирлар ижодида учратиш мумкин. Айни пайтда сатрлар сони ва жойлашуви қоидаси бузилган, лекин сонет деб аталган шеърларга ҳам дуч келамиз. Уларда фақат ўн тўрт сатрли умумий шакл сақланиб қолади, бошқа жанрий талаблар эса бажарилмайди. Масалан, В. Шекспир, Жон Дон сингари инглиз шоирлари турли хил қофияланган ҳар бири тўрт мисрадан иборат уч банд ва икки мисрадан ташкил топган бир бандлик шаклни, Пабло Неруда эса, катрен ва терцетларга бўлинган, лекин қофиясиз ўн тўрт мисрали шеърни сонет деб тақдим этишган. Булар орасида, айниқса, Шекспирнинг бир юз эллик тўрт шеъри сонет номи билан машҳур бўлиб кетган. Улар ҳақиқатдан ҳам сонетми? Агар уларни сонет деб қабул қиладиган бўлсак, қатъий қоидага асосланган жанрий талабни қаёққа қўямиз? Ёки ўн тўрт сатрли ҳар бир шеърни сонет деб атайверишимиз керакми? Бу назарий саволларга жавоб топиш учун тарихга ва у билан боғлиқ адабиёт тарихига мурожаат қилишимиз лозим бўлади.

«Сонет» атамаси италянча «Sonetto» ва провансал лаҳжасидаги «Sonet» сўзлардан келиб чиққан бўлиб, қўшиқ, жарангдор қўшиқ маъноларини англатади. У мустақил шеърий жанр сифатида илк марта Сицилия мактаби шоирларидан Жакомо да Лентини томонидан XIII асрнинг бошларида қўлланилган...

Ўша даврларда, ҳамма соҳада бўлганидек, адабиётда ҳам Европа муайян маънода мусулмон Шарқига тақлидан ривожланиш йўлидан борди. Ғазал, қасида, мувашшаҳ жанрлари Европага кириб келди. Айниқса, ғазал ниҳоятда машҳур бўлди. Сонетни ана шу ғазалга тақлидан яратилган шеърий шакл дейиш мақсадга мувофиқ: уни таъбир жоиз бўлса, ғазалдан униб чиққан гул, дейиш мумкин. Зеро, ғазалнинг мумтоз намунаси етти байт – ўн тўрт мисрадан иборатлиги маълум. Айни пайтда у қатъий қоида асосида вужудга келади: бир байтли бандлардан ташкил топади; мисралар ўзаро фақат ягона қофия воситасида боғланади; матлаъ билан бошланади ва мақтаъ билан тугайди. Зеро, қофияси ҳар хил ғазалнинг бўлиши мумкин эмас. Матлаъсиз ғазал эса бошқа шеърий шаклга – қитъага айланади. Сонетда ҳам ана шундай қатъий қоида мавжуд, унинг бузилиши (бандларнинг жойлашувидами ёки катренда қофиянинг ҳар хил – иккитадан ортиқ бўлишидами) мумкин эмас...

Сонет «торликда кенгликни» бера оладиган, юксак маҳоратни талаб этадиган шеърий шакл, унинг бузилиши аслида маълум маънода ё шоир маҳоратининг етишмаслигини ёки унинг қийинчиликлардан қочишини англатади. Лекин яна бир муҳим жиҳат борки, уни назардан қочириш мумкин эмас: сонетнинг тўрт қисми ўзига хос бадиий микёс, улар ўз ичига инсонни, унинг ҳаёти, севгиси, қайғуси, шодлиги, мардлигини, уни ўраб турган табиат манзараларини сиғдира билади. Яъни сонет гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва тубанлик, фожиавийлик ва кулгилилик, мўъжизавийлик ва хаёлийлик хусусиятларини инъикос эттира оладиган бадиий-эстетик яхлитликдир. Айни пайтда, биринчи катрен тезисни, иккинчи катрен аксилтезисни ва терцетлар синтезни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, биринчи катрен – муайян ҳиссий ҳолатни, мосликни, иккинчи катрен аксилҳолатни, номосликни акс эттиради ва терцетлар улардаги қарама-қаршиликни ўзаро келиштирувчи бадиий хулоса сифатида намоён бўлади. Гарчанд бундай бўлиниш ҳамма вақт ҳам аниқ кўзга ташланмаса-да, улар қай даражададир ичичдан мавжуд ва сонетда умумий диалектик тадрижнинг доимий тарзда мавжуд бўлишини таъминлайди. Шундай қилиб, сонет ҳам шаклан, ҳам мазмунан диалектик тизимга асосланган қатъий шакл ва уни турли кўринишлардаги ўн тўрт мисрали шеърларда парчалаб ташлаш ёки бузиш мумкин эмас. Зеро, сонетда мазмун-моҳият шакл-ҳодисага бўйсундирилади, шакл мазмун устидан ҳукмронлик қилади. Шу сабабдан ҳам сонетда бирламчи эътибор шаклга қаратилади, шоир аввало мазмунни эмас, шаклни ўзига бўйсундириши лозим бўлади. Ҳар бир сонет мазмунининг шаклга солиниши эса, худди асов отга илк марта эгар уришдек маҳорат ва меҳнатни талаб қиладиган жараёндир. Шу сабабли атоқли шоиримиз Асқад Мухтор, сонетнинг мураккаб шаклини кийилиши анча қийин, лекин кийилганидан кейин киши вужудига ажойиб бир ихчамлик бағишлайдиган киборлар либоси бўлмиш фракка ўхшатиб, уни шеъриятнинг олифта камзули, деган эди.

Бундан ташқари, сонет жанрининг янада мураккаброқ шакли ҳам мавжуд. У ҳажман йирик бўлиб, ўз ичига бир мавзуга бағишланган 15 сонетни – 210 сатрни олади ва «Сонетлар гултожи» ёки «Сонетлар гулчамбари» деб аталади. Сонетлар гултожи мураккаб композицияга эга. Унда ҳар бир сонетнинг сўнгги сатри келгуси сонетнинг биринчи сатри қилиб олинади, охирги ўн бешинчи сонет гардиш (магистрал) деб аталади ва барча аввалги сонетларнинг биринчи сатрларидан иборат бўлади. Ўн тўртинчи сонет магистралнинг сўнгги сатри билан бошланиб, унинг биринчи сатри билан тугайди. Натижада битта гардишга айланма тарзда боғланган сонетлар гулчамбар шаклини олади. Шу боис гулчамбар тугалланганидан сўнг гардиш ундаги охирги сонет бўлса ҳам, ижод қилиш жараёнида биринчи бўлиб ёзилади. Сонетлар гултожи мавзу яхлитлиги, композицион пухталиги туфайли 14 сонет ва бир хотима-сонетдан иборат лирик-интим, лирик-ижтимоий, лирик-фалсафий достон сифатида ҳам тақдим этилиши мумкин.

Ўзбек шеъриятига сонет XX аср бошларида кириб келди. Унинг фақат маълум маънодагина анъанавий (унда ҳижолар сони 126 та) намунасини илк бор Усмон Носир ижодида учратамиз...

Адабиётимизда биринчи бўлиб Рамз Бобожон, сўнгра Муҳаммад Али, ундан кейин Рауф Парфи ўзбек тилида ҳақиқий сонетни яратдилар. Русийзабон шоирларимиздан эса, Александр Файнберг шундай ишни амалга оширди. Биз ҳам, табиийки, ана шу йўлни қўллаб-қувватлаймиз: юқорида айтганимиздек, фақат қатъий қоидага – қатъий жойлашув ва қатъий қофияланиш тартибига эга бўлган сонетнигина эътироф этамиз, қолган «янгиликлар»ни, сонет эмас, ўн тўрт сатрли оддий шеърлар деб аташ тарафдоримиз. Зеро, ғазалнинг шаклий қонун-қоидаларини бузиб бўлмаганидек, сонет шаклини ҳам бузиш мумкин эмас. Мулоҳазаларимизни буюк олмон мутафаккири, шоир ва адиб, романтизм оқимининг назариётчиси А.В.Шлегелнинг сонет номидан ёзган сатрлари билан – фикримизни қўллаб-қувватловчи яна бир сонет билан якунлаймиз:



Мен икки катренни боғлайман таранг,
Икки жуфт сатрга бир қофия – соз!
Иккинчи жуфтлигим биринчига мос,
Бирига уланар иккинчи жаранг.

Иккала терцет-чи, эркин, ранг-баранг,
Энди қофиялар занжирдан халос
Ва лекин барибир тартибим мумтоз:
Қай мавзу бўлмасин – севгими ё жанг.

Кимки бандларимнинг қонунин бузса,
Шунчаки эрмак деб билса уни ким,
У гултож кийганлар сафида бўлмас.

Бироқ ким сеҳримни англаб, сўз тузса,
Теранлик, кенгликни қучиб тор шаклим,
Номослик мосликка бўлур ҳамнафас.

Абдулла ШЕР

Адабий-бадиий нашрлар

"Шарқ юлдузи"
2018 йил, 3-сон



Журналнинг навбатдаги сонидан кўплаб насрий, назмий асарлар ўрин олган. Таниқли шоирларимиздан Омон Матжоннинг, Шукур Қурбоннинг янги туркумлари, Чоршамъ-нинг ғазаллари, шунингдек, Зикрилла Неъмат, Абдулла Вахш, Ҳайтбой Абдусодиқнинг шеърларини ўқийсиз. Насрий асарлар қаторида Усмон Азимнинг "Бир даста қизил гул" ҳикояси, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Хотинмасжид", Жамила Эргашеванинг "Ғаниматим — онам" эсселари босилган, замонавий ва мумтоз адабиётга оид мавзуларда мақолалар, тадқиқотлар эълон қилинган. "Унитмас мени боғим" рукнида таниқли шоир Туроб Тўла ижодий меросидан намуналар берилган.

Қуйида журналнинг илк саҳифаларида босилган мумтоз шоиримиз Фурқатнинг машҳур ғазалларидан бирини ўқийсиз.

Сўрғоли ҳолимни, эй қоши қалам, кел эртароғ,
Йиғламоқдин қолмади кўзларда нам, кел эртароғ!

Сендин айру гўшаи ҳижрон аро ёлғиз топиб,
Ўртаға олди мени дарду алам, кел эртароғ!

Марҳабо, бош устина, айлаб карамлик шаҳсувор,
Кўзларимни устина қўйғил қадам, кел эртароғ!

Муддатедур даҳр аро топмай вужудингдин сўроғ,
Эл аро анқо каби бўлдим адам, кел эртароғ!

Эй хуш ул тунлар фироқинг ёдима келмас эди,
Билмайин комим висоли муғтанам, кел эртароғ!

Бистарим хоки мазаллат, ҳамдамим андуҳдур,
Ҳасратингда масканим бўлгунча ғам, кел эртароғ!

Фурқатий ошуфтадил то чанд тортар интизор,
Дилда тоқат қолмади, жоним-танам, кел эртароғ!

"Жаҳон адабиёти"
2018 йил, 3-сон

Атоқли адиба Леся Украинка "Ўрмон қўшиғи" номли афсонадрамасида украинларнинг қадим асотирлар орқали ўз атрофдаги оламни қандай тасаввур этгани, инсон қалби гўзаллигини куйлаган. Ушбу асарни аслиятдан Сирожиддин Рауф таржима қилган. Покистонлик адиб Шер Муҳаммад Марининг "Савдойи" ҳикояси (инглизчадан З.Жамолова таржимаси) ҳамда Томас Манн қаламига мансуб "Лоттанинг Веймардаги ҳаёти" ва Харуки Муракамининг "Пинбол — 1973" номли романлари давомини ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз. Жаҳон шоирлари ижодидан намуналар Р.Мусурмон, О.Суюндиқова ва Г.Мўминова таржималарида тақдим этилган. О.Улвийнинг "Зулфия Озарбайжонда", А.Улуғовнинг "Арасту англанган адабиёт", шунингдек, санъат, адабий жараён масалаларига доир мақолалар билан ҳам ушбу сонда танишасиз. Қуйида "Қомус" рукни остида ёритилган иккита шарҳ эътиборингизга ҳавола этилаётир.

АЛЕКСАНДРИЯ КУТУБХОНАСИ — эрамиздан аввалги 290 йилда Птоломей I асос солган Александрия музейи негизидаги қадимий кутубхона. Эллин маданиятининг йирик қисми бўлган ушбу кутубхона ҳозирги Миср ҳудудида жойлашган. Милоддан аввалги III асрдан эрамизнинг бошларига қадар даврда кутубхона анъанага кўра тахтнинг келгуси валиаҳдларини тарбиялашга хизмат қилган. Манбаларда келтирилишича, кутубхона захираси етти юз мингдан ортиқ бўлиб, шоҳ саройидаги "Брухейон" ва ҳарамдаги "Серапис" қисмларидан иборат бўлган. Кутубхонанинг асосий фонди — "Брухейон" император Аврелиан томонидан қурашлар вақтида йўқ қилинган. Кутубхона базасида Аристей хатлари, Сенека, Плутарх, Страбон асарлари бўлган. Миср Рим томонидан бўйсундирилган даврда ҳам Александрия кутубхонаси сақлаб қолинган. Бироқ тарихий ўзгаришлар, бўҳронлар оқибатида бу кутубхона, унинг хазинаси йўқотилган. У беш аср давомида дунёнинг маънавий маркази даражасини сақлаб тура олди. 2002 йилда Миср-да қадимги музейнинг тахминий ўрнида замонавий «Александр кутубхонаси» қурилган. Ҳозирда у сайёҳлар ташриф буюрадиган энг муҳим жойлардан бири саналади.

АРТУР МИЛЛЕР — Америка замонавий драматургиясининг илғор намояндаларидан бири. 1915 йил Манхэттенда туғилган, 2005 йил 90 ёшида вафот этган. Ўттиздан ортиқ пьесаси ва "Фокус" романи унинг йирик асарлари саналади. Унинг пьесалари реалистик руҳда бўлиб, инсон қадр-қиммати ва жамият муаммолари етакчи мавзу сифатида намоён бўлади. Унинг илк драматик асари 1944 йилда ёзилган бўлиб, "Омадли кишилар" деб номланади. Ушбу асар ўша йилнинг ўзида Бродвей театрида режиссёр Элиа Казан томонидан саҳналаштирилган. "Барча болалар — менинг болаларим", "Гумаштанинг ўлими", "Баҳо", "Виша воқеаси", "Оламнинг яралиши", "Америка соати", "Савдогарнинг ўлими" сингари пьесалари унга шуҳрат келтирган. Миллернинг энг машҳур пьесаси "Савдогарнинг ўлими" (1949) драмаси бўлиб, унинг асосида бугунга қадар йигирмага яқин спектакль, ўнлаб кинофильм ишланган.

Янги нашр

"ДИЛДА ВАСЛИНГ МУДДАО"

Таниқли шоир ва таржимон Исмоил Маҳмуднинг шеърият ихлосмандларига туҳфа этган навбатдаги тўплами мазмунмоҳияти, мундарижаси билан аввалги китобларидан фарқ қилади. Мумтоз адабиётимиз анъаналарини ўз овози ва сўзи билан давом эттириб келаётган Исмоил Маҳмуд асарларини "Дилда васлинг муддао" номи билан девон ҳолига келтирган. Девон тартиб бериши муаллифнинг журъатидан, қолаверса, кўп йиллик ижодий тажрибасидан далолатдир.

Китобга Ўзбекистон халқ шоири С. Сайёд мухтасар, муфассал сўзбоши ёзган. Ушбу битикда девон муаллифи ҳақида шундай жумлалар бор: "Одатий, кундалик ҳаётию турмуш тарзи ҳам, феъл-атворию гап-сўзлари ҳам, ўзини тутишию мулозаматларигача шеърига, ғазал ва мухаммасларига беҳад ўхшайди". Чиндан ҳам шундай. Увайсий номидаги адабий тўгарак нафақат водий ёшларини қамраб олган, балки миллий адабиётимизга ҳам адабий ворислар етказиб берган. Хулқ-атвори ҳалим, ғазаллари дилларга малҳам бўлувчи Исмоил Маҳмуд ана шу тўгарак раҳбари, ёшларнинг устози. "Академнашр" нашриёти чоп этган ушбу китоб шеъриятнинг асл муҳиблари учун гўзал туҳфадир.

Собир ЖУМАЕВ

ХАЁЛНИНГ БЕПОЁН ОСМОНИ

Турсунбой Адашбоевнинг "Осмондаги дарвоза" номли сайланма шеърлар тўпламини ўқирканман машҳур адиб Хулио Кортасарнинг "Осмон қопқаси" номли ҳикояси эсимга тушди. Ўзбек шоири ва аргентиналик ёзувчининг асарларидаги ҳамоҳангликдан беихтиёр ҳайратландим.

Адабий жараён

"Осмон қопқаси" ҳикоясининг қаҳрамонлари адвокат Ардо, Муаро ва Селина. Ҳикоя Муаронинг хотини Селенанинг бевақт вафот этгани ҳақидаги хабар билан бошланади. Дўстлари доктор дея мурожаат килишадиган ҳуқуқшунос Ардо бошига кулфат тушган дўстига ҳамдардлик билдириш учун унинг уйига боради. Ҳикояда воқеалар асосий роль ўйнамайди. Тақдирнинг кутилмаган зарбалари олдида инсон ўзини қандай тутади? Қалтис пайтда у нимани ўйлайди? Қалбидан қандай туйғулар, оғриг шуурида қандай хаёллар кечади?.. Ҳикоя ана шу ҳақда. Санъатни, танго рақси ва ҳиндулар ашуласини яхши кўрган, миланго, яъни тунги базмхонада ишлайдиган Селинани Муаро хотин қилиб олади. Ўзича қизни ботқоқдан қутқардим деб ўйлайди. Селина қўли косов, сочи супурги бўлиб эрига ош-овқат пишириш учун ошхонада тинимсиз куймаланади, жон-жаҳди билан эрининг кўнглини олишга ҳаракат қилади, ўзини оилага бахшида этади. Муарога турмушга чиққач Селина ўз осмонини, севимли оламини бой берган эди, дея таъкидлайди адиб. Селинанинг осмони, яъни кўнгил олами жаҳаннамни эсга солувчи шафқатсиз милонга эмас, аксинча, танго ва қўшиқ, яъни санъат оҳанрабосидир. Ёзувчи ҳикоя давомида "осмон" метафорасига қайта-қайта мурожаат этади. Селинанинг вафоти туфайли Муаро чуқур изтиробга тушиб, ўзини қўярга жой тополмай қолади. "Дўст кулфатда билинади" деганлардек Ардо дўстининг ғамини аритишга интилади. Тунги майхонага таклиф этиб, ўйин-кулги билан унинг кўнглини овутишга ҳаракат қилади...

Ана шу ўринда Кортасарнинг дунёдаги ҳеч қайси ёзувчига ўхшамайдиган ҳикоя қилиш услуби намоён бўлади. Рақсга тушаётганлар даврасида ғайритабиий ҳолат юз беради. Авж пардада ашула янграйди. Рақс саҳнасида роҳат, фароғат, бетимсол саодат ҳис этилади. Осмондаги булутлардек тарқалган тутунлар орасидан ўнг тарафдан Селина даврага чиқиб келади. У завқу шавқ билан рақсга тушади. Ардо билан Муаро иккаласи ҳам бу ажиб ҳодисани, гўзал ва латофатли Селинанинг чарх уриб ўйнаётганини аниқ кўриб, билиб туришади. Иккиси ҳам бир нарсани, бир ҳолатни, бир ҳодисани бошдан кечиришади. «Мен унинг алал оқибат эришган жаннатидаги ҳузур-ҳаловатининг бизга дахли йўқ эканлигини, шу боис ҳаяжонли юзларидан, фақат ўз ҳиссиётларини, ёлғизгина ўзининг кўнглини бемалол намоён этган афти ангоридан бу дунёга бефарқлигини англайдиган даражада ҳушёр эдим; у Касидаснинг милонгасида, фақат иш ва мижозлар ташвишидан мутлақо холи бўлган пайтдагина ўзини худди мана шундай эмин-эркин тутиши мумкин. Энди уни ҳеч нарса боғлаб турмаган йўқ, кашф этган осмонини фақат ёлғиз ўзи эгаллаган, у бутун борлиғи билан бахту саодат нашидасини сурмоқда ва Муаро умуман кира олмайдиган оламда роҳат-фароғатда эди. Бу



Селинанинг забт этган баланд осмони, авж тангоси эди...".

Ҳайратдан икки дўстнинг тили калимага келмай қолади.

"— Сездингми? — деб сўради Мауро.

— Ҳа.

— Селинанинг айнан ўзи-ку, а?

Мен жавоб қайтармадим, ҳаётдаги кулфатга рўпара келишдан ҳам кўра, дўстимнинг юзида лов этиб балқиган қувонч ва умид шуъласига боқиш жуда оғир эди...".

Муаро беармон ўйнаётган Селина томон қўлларини чўзиб, довдираб қадам босади. Рақс тушаётганларнинг даврасига яқин боради. Аммо Селина эгалик қилган осмоннинг қопқасини, Селина забт этган осмоннинг дарвозасини тополмайди... Бу дарвоза бошқалар учун берк.

Бировларга ато этган нозу неъматдан, бахту саодатдан бошқалар нима учун бенасиб, деган савол туғилади ҳикояни ўқиб бўлганингизда. Ўйлар, фикрлар гирдобида қоласиз. Наҳотки, бахтга эришиш учун инсон ўз ҳаётини қурбон қилиши керак бўлса! Ёки киши вафот этгандан кейингина бахтли бўладими? Наҳотки, бу дунёда бахт йўқ? Кортасарнинг метафораси, бадиий тимсолларидан келиб чиқадиган фикрлар кўп. Ўйлайлик, Селинанинг бу дунёдаги умрини ёзувчи дўзахга тенг деб таърифлайди. Селина қазо қилганидан кейин у жаннатдагидек саодатга эришади. У забт этган осмонда кўнглидаги туйғуларини амалга оширишга ҳеч ким монелик қилмайди. Ўз осмонида ҳеч кимдан тортинмайди, барча ташвишлардан холи, бедахл, озод.

Кортасар ҳам дунёни санъат қутқаради, деган ғояни қуйламоқда, деган хулосага келсак, биз ёзувчининг бадиий асарини жўн тушунган бўламиз. Адиб инсоннинг бизнинг кўзимизга кўриниб турган реал ҳаётдан ташқаридаги ҳиссиётуйғуси, тасаввури, фикри, фаолияти, керак бўлса, турмушини тасвирламоқда. Бироқ улар реал, улар бор. Ёзувчи бизни бунга ишонтиради. Бу худди шеъриятдаги жонсиз нарсаларга жон бағишлаб, уларга одам тилини бериб, гапиртириб тасвирлаш санъатига ўхшайди. Эътибор беринг, ўпка касаллигидан вафот этган рақкоса қиз Селина ҳаммасининг кўз ўнгида даврада рақс тушмоқда. Кортасар, ушбу ҳикоя орқали инсоннинг ҳис-туйғусини топтаган, уни ўзлигидан мосуво этган, ғирромлигу жирканчликларга тўла жамиятни танқид қилмоқда. Кортасарнинг ҳикояси шеърдай, унинг ҳар бир сўзида образ бор, теран ҳикматли маънолар бор.

Турсунбой Адашбоевнинг "Осмондаги дарвоза"сида ҳам Кортасарнинг "Осмон қопқаси"га уйқаш ҳикмат бор. Турсунбой Адашбоевнинг шеърини ўқиган ўқувчи хаёлида даставвал камалак деган тасаввур пайдо бўлади. Шеърга чуқурроқ назар солсангиз, унинг теран маъноларини англашга ҳаракат қилсангиз, айнан Кортасар тасвирлаган ҳаёт ва мамот мавзусига рўпара келасиз.

Осмон бизга соябон —
Тангрим қурган иморат.
Дарвозаси ғаройиб,
Етти рангдан иборат.
Ўзга эшиклар каби
Танбаланмас, ёпилмас,
Ҳатто етти иқлимда
Бунақаси топилмас,
Ёндараси ўзидан,
Лўкидони, қулфи йўқ.
Мўъжизали шу қадар,
Илгаги йўқ, зулфи йўқ.
Шу ажойиб дарвоза,
Барчамизга очиқдир,
Кутиб олар ҳамиша
Етти рангда сочиб нур.

Беихтиёр ўйлайман: "Осмондаги дарвоза" деб ўлим ҳақида шеър ёзмаганида Турсунбой ака ҳали вафот этмаган бўлармиди? Борис Пастернак шогирдларига: «Ўлим ҳақида шеър ёзманглар, чунки у содир бўлади», деган экан. Шеърни ҳам, туйғуни ҳам кўнгилга Яратганнинг Ўзи солади.

Шеър ниҳоясида ўлим ҳақидаги исломий фалсафа англашилади. Вақт соати етган киши ўлим шарбатини тотгусидир... Ана ўшанда дарвозасида қулфи йўқ иморат — осмон инсон руҳига ватан бўлади. Турсунбой ака ёруғ туйғулар, гўзал ўхшатишлар билан ўз фикрини ифодалайди. Тангридан жон қарз олган одам бир куни омонатини топширади. Турсунбой Адашбоев умрида ўзи қийналса ҳам бошқаларга яхшилик қилиб, мардона яшади. Айримлар: рост гапни гапириб, бировнинг кўзига ёмон кўриниб нима қиламан, дея индамай қўя қолади. Турсунбой ака эса, ёлғончилик, ноҳақлик билан сира келиша олмас эди. Болалар шоири боладек эди. Бола ёлғон сўзламайди. Болага яхши гапириб, алдаш мумкин. Бироқ Турсунбой акани ҳеч қачон алдаб бўлмас эди. Шоирнинг ўз олами бор. Кортасар ҳикоясида тасвирлагандек дарвозаси ўзгаларга очилмайдиган беғубор ва бепоён осмони бор. Унинг сирини ҳеч ким билмайди.

Рустам МУСУРМОН

Таржима – юксак санъат

Мамлакатимизда жаҳондаги кўплаб давлатлар билан барча соҳаларда дўстлик-ҳамкорлик алоқаларининг кучайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Мана шу жараёнда дунё халқлари билан маданий алоқаларнинг ҳам юксалиб бораётгани қувонарли ҳол. Буни биз бадиий таржима соҳасидаги ютуқларда ҳам кўрмоқдамиз.

Газетамиз саҳифаларида қардош халқлар ва жаҳон адабиёти намуналаридан амалга оширилган таржималар мунтазам эълон этилиб келинмоқда. Ушбу сонда рус ва қардош халқлар адабиёти намояндаларининг ижодидан қилинган таржималарни ўқийсиз.

Назм ва наср бўлими.

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

Бердақнинг дутори

Аслинг сенинг оғочдандир,
Сўйла дутор, сўйла дутор.
Оҳинг армону ғамдандир,
Дардинг баён айла, дутор.

Улуғ шоир бўлган эканг,
Тинглаган эл-улус ноланг,
Булбуллар жўр ҳар шому тонг,
Номинг достон элга, дутор.

Қадим ўтмишга гувоҳсан,
Сайраганда нола-оҳсан,
Бердақ бобомга ҳамроҳсан,
Дардинг баён айла, дутор.

Аъло созим куйга бойсан,
Кўҳна дардларим қўзғайсан,
Ингираниб мунча бўзлайсан,
Тилинг бўлса сўйла, дутор.

Пиёладаги чой чўпига боқиб

Бир пиёла чойни олиб,
Тикилдим мен назар солиб,
Сувдаги солдай чайқалиб,
Келар бир қўноқ, бир қўноқ.

Чойни ичмай чайқаб кўрдим,
Юришларин пайқаб кўрдим,
Ўзимча тусмоллаб кўрдим,
Биз томон келар бир қўноқ.

Юрт-макони йироқмикан,
Кегейли ё Мўйноқмикан,
Меҳмон атойи худо экан,
Ҳамиша азиздир қўноқ.

Тикка сузса чой-шамаси,
Дерлар меҳмон ишораси,
Тўхтаб қолгандай чамаси,
Интиқ қилмай келса тезроқ.

"Тўқсон беш"нинг япроғи кўк,
Боқиб ҳуснингга тўймоқ йўқ,
Кўнгил бўлсин кўнгилдан тўқ,
Буни англарми бу қўноқ.

Кундай шуъла сочишлари,
Зимдан қараб қочишлари,
Нозли одим отишлари,
Жондан тўйдирар бу қўноқ.

Тунлар сирлашиб ой билан,
Куним ўтар оҳ-вой билан,
Ичиб қўярман чой билан,
Тезроқ келмасанг, эй қўноқ.

* * *

Бугун эшиттанни эрта кўз кўрар,
Умринг янгиликлар билан бўйлайди.
Ҳатто меҳмон кутишлар ҳам ўзгарар,
Шитоб замон сустликка йўл қўймайди.

Аммо халқимизнинг чин инсонлиги,
Бошга иш тушганда меҳрибонлиги,
Яхши-ёмон кунда бек-султонлиги,
Даврон минг турлансин, асло ўлмайди.

Қорақалпоқ тилидан
Очил ТОҲИР таржималари.

Гўзал ШОҚУЛИЕВА,
Туркманистон Қаҳрамони, Туркманистон халқ ёзувчиси

Севги йўқ дедингми?

Нима? Севги йўқ дедингми,
Йўқми, йўқми, а?
Асло борлигига ишонмадингми?
Тоғлар томиридан сизган дарёда
Қудрат кўрмадингми,
Куч кўрмадингми?
Ишқ бўлмаса нечун бундоғ ясандим?

Сочларимга тумор тақишимни кўр!
Яшамоқ керакми, керакми умр?
Сен томонга қадам босишимни кўр.

Сени деб яшайман,
сени деб келдим,
Сен бўлмасанг, тордир кенг жаҳон шундоқ.
Оҳ, зое кетарми... оқ сийна, қомат...
Минг товланиб ёнармиди ол яноқ.

Сени деб яшайман,
сени деб келдим,
Сени ҳеч кимсага бермам, азизим!
Бенасиб қилсалар гар сендан мени,
Кетарман, гар кетсам, келмам, азизим.

Сени деб яшайман, сени деб келдим,
Ишқсиз яшаганлар, яшабмидир, ҳай!

Наҳот эшитмадинг қўшиқларимни,
Сенсиз булбул бўлиб сайрармидим, ҳай!

Нима? Севги йўқ дедингми,
йўқми, йўқми, а?
Асло борлигига ишонмадингми?
Тоғлар томиридан сизган дарёда
Қудрат кўрмадингми,
Куч кўрмадингми?

Ёшлик

Бир фасл бу – кенгликлари бепоён,
Тошқин дарё каби оқиб борадир.
Бир фасл бу – камалакдай нурафшон,
Хушбўй иси жонга ёқиб борадир.

Баҳорида сози, ёзида булбул,
Ойнинг қучоғида, осмонда кўнгил,
Ғайрат, ҳавас қайнар жонида буткул,
Кўзларида чақмоқ чақиб борадир.

Олам баҳорини ёшликдан олар,
Ёшликдадир яшил япроқли ниҳол,
Тиниқ осмон кўрки дил ёритар ол,
Кўксига юлдузин тақиб борадир.

Шод-ҳуррам кунларнинг жилоси унда,
Яшнар алвон гуллар либоси унда,
Кўпмас, сал нарсага қувончи дилда,
Қайғу-ғам эшигин ёпиб борадир.

Унга шу кун бир ён, умр бир ёнда,
Ўйламас ўтишин, саноқли он-да!
Ғам-ташвиш нимадир, бақувват жонга,
Дунёга ишқ бўлиб, боқиб борадир.

Бир фасл бу – одам умрин безаги,
Бир фасл-ки – йўқдир қиши-кузаги,
Бир фасл-ки – гул ёшликнинг юраги,
Жилғадай йўл очиб, чопиб борадир.

Туркман тилидан
Қурбон МУҲАММАДРИЗО
таржималари.

Тойғонқда

«Абай» романидан парча

Мухтор АВЕЗОВ

Кўп вақтлардан буён шаҳардан чиқмаган Абайга эрта баҳор ўзининг эндигина келаётганини баён эта бошлади. Чап томонда, олис уфқда кўкимтир туманга чулғаниб ётган Семей тоғ кўринди. У ҳам қор ёпуғини ташлаган экан. Катта, юмалоқ бир тўлқин қаттиқ отилиб бориб, мангу қотиб қолганга ўхшайди. Бепоён дала ўртасида, тўсатдан пайдо бўлиб қолгандек қаққайиб турган ёлғиз тоғ. Абадий жимликка чўкиб чўзилиб ётган шу саҳронинг бир замонлар нимадандир бўғилиб, тутоқиши орқасида отилиб чиққан даҳшат тўлқиними? Ё ғазаб оқибатими? — худди шунга ўхшаб турган бўлакча тоғ.

Абай тоғ тузилишида шу сингари ўзгача бир ҳолат кўриб, тикилганича бошидаги тумоғини олди. Семей тоғдан эсаётган майин шабада терлаган бошига, юзларига келиб аста урилди.

Вужуди тетиклашиб, енгил тортиб, бир хўрсинганида, кўнгли ҳам кўтарилгандек бўлди.

Абай ер юзининг кўркини, ўз кўнглининг эркинлигини куйлай бошлади...

Ана шу майин шабада эсиб турган ёқимли баҳор кунида Абайнинг кўнгли алланечук тўлқинланмоқда эди. Қанча-қанча алангали ҳислар гўё вужудига сиғиша олмай сиқилишарди... Эркаланиб шеърга, куйга айланарди... Маромсиз тўлғанарди.

Абай пайқамапти. У айтаётган бор ўланни — қўшиқни Макиш эшитиб келаётган экан. Бошқа кишининг ўлани эмас, инисининг ўз ўлани эканлигини ҳам билиб ўтирган эди.

— Абай, дейман, сен оқин бўлсанг керак-а! — деб кулиб юборди.

Абай ёнида Макиш борлигини унутиб юборган экан. Аввалига чўчиб кетиб,бироз ўнғайсизланди-да:

— Ҳа, қаердан билдинг? — деди.

— Эшитиб келаяпман-ку... Ё яшармоқчи эдингми? — деб Макиш яна кулди-да, — Эрбўлдан тортиб, ҳамма ўртоқларинг гапиришади, «Ўлан айтишларда қатнашмаган бўлса ҳам, Абай чин оқин» дейишади, ростми? — деди.

Абай кулиб юборди.

— Рост! Оқинман!

— Қандай ўлан айтаётирсан?

— Эй, Макишжон, ўланларимнинг ҳаммаси елга учиб кетаётир.

— Нега энди?

— Мен суйган билан куйганни куйлаётирман. Суйганим йироқда, ҳеч қачон келмайди. Дардим-аламим бўлса, мудом қошимда, бир нафас нари кетмайди. Шуни куйлаш елга куйлаш билан баравар эмасми?

— Дарди-аламинг нимаси? У нима деганинг? Сенда қандай дард бўлиши мумкин? — деб, Макиш азмойиш билан Абайга қаради. Иниси қошларини чимирди-да, ранги яна ҳам ўчинқираб кетди. Унинг тўладан келган юзида ҳали биронта ажин пайдо бўлмаган, ҳозир хиёл узайиб қолган мўйловлари, қисқароқ қора соқоли ҳам унинг гўзал чеҳрасига ярашиб турарди.

Макиш энди мароқ билан инисининг юзига боқаркан, Абайнинг бурни усти бироз йилтираб, юзларидан ёқимли нур ёғилиб турарди. Эндигина камолга етган йигитнинг гўзал чеҳраси. Ўт сочиб турадиган, жасоратли, ўткир кўзларининг оқи оқ, қораси қора бўлиб, порлаб турарди. Бу кўзлар, худди магнити бордек, бир қараган одамни беихтиёр яна қаратадиган жозибали кўзлар эди. Чаккасига тушган ингичка ва қийғоч қора қошлари ҳам йигитнинг ҳуснига ҳусн қўшарди.

Макиш ўз жигарига — инисига боқаркан, ич-ичидан фахрланарди. Унинг: «дардим бор», деганига ишонмади. Шундай бўлса ҳам гапга солиб кўрди.

— Ўша дардингни қандай қилиб айтдинг, қани айт-чи! — деди.

Абайнинг кўнглида ўша вақтлардан буён гўзал саробдек бўлиб қолган бир хотира ётарди. Ўша куни юрак дардларини шу куйи билан изҳор этган эди. Бу куй ҳам содиқ ҳамроҳига айланган. Хотирида ҳамон Жонибек яйловида ўтказилган ўша кеча. Суюндиқ овулидаги арғимчоқ. Тўғжон билан иккови арғимчоқни тепиб туриб, сирларини шу куй билан изҳор этишган эди. Кўпчилик олдида юраклари фақат шу куй орқали топишган эди. Абай ўша «Тўпай кўк»* куйини бошлайди. Бу куй яшнаб турган баҳор кунида Тўғжонни яна соғинтириб, йўқлатаётир.

Опасининг айт, деб қилган илтимоси унинг ўз кўнглидаги истаги эди. Бу гал у «Тўпай кўк» куйини баланд овоз билан эмас, хиргойи қилиб куйларкан, сўзлари ўзгача бир ҳазин дардни ифода этди. Макиш айниқса, ўланнинг сўзига алоҳида эътибор бериб тинглади. Қалби изтиробга тўла ёш йигит:

Ярқ этмас қора кўнглим на қилса-да,
Осмонда ой билан кун барқ урса-да,
Дунёда менга сира сендай ёр йўқ,
Сенга ёр мендан ортиқ топилса-да!..
Шўрлик ошиқ сарғайса, соғинса-да,
Ёр аҳду паймонидан янгилса-да,
Чидайди рози бўлиб ёр жабрига,
Шафқатсиз мазах қилса, хўрласа-да,—

деб, ранги ўчиб жим бўлиб қолди. Шу ўланда ўзининг ҳам, унинг ҳам ҳолини изҳор этган эди. Икки интиқ. Иккови ҳам ўт ичида ўртанади. Лекин начора, беомон тақдир шу экан. Ўша дарднинг сўнгги пайтларда асти нари кетмайдиган нафасидек бўлиб шу шеър қолган кўринади. Лекин Макиш уни англай олмади. У авваллар ўзи эшитиб кўрмаган, кутилмаган гаплардан фақат «ёр» деган сўзнигина англаб, қараб туриб-туриб, Абайга:

— Тушунмадим. Ёр деяётганинг кимнинг ўзи? — деди.

Абай кўнглидаги гапларни опасига айткиси келмас эди.

— Ёр деяётганим шу кўйларга солган кимса-да! Ёр деган гапни билмас эдингми?

— Билишимча, киши ёр деб умр йўлдошини айтади-да! — деди.

Абай бир сесканиб тушиб, ялт этиб опасига қаради.

— Дилда демоқчи бўлсанг керак?

— Ҳа! Дилда десам, нима бўпти?

Гап шу ерга етганда ёш йигит айтганларига ҳам ўкингандек, тўсатдан тескари қаради, хуноб бўлиб:

— Ё раббий, Макиш тушкур-ей, Дилданг нимаси? Нима деяётирсан ўзи! — деди.

Макиш оғзидан Абайга қаттиқ тегадиган гап чиқиб кетганига хижолатда қолди. Ўнғайсизланиб, кулганича:

— Ёпирим, Абай, гапим сенга жуда қаттиқ тегди-а, Дилда шўрликнинг нима ёзиғи бор? — деди.

— Тўғри, Дилданинг ёзиғи йўқ. Лекин унга интиқлик билан ўлан чиқаргудек менинг ҳам ёзиғим йўқ. Тўрт болалик бўлган Дилдани айтаётганингни қара-я?

— Ҳа,тўрт бола туғиб берса сенга, гуноҳкор бўлдими?

— Йўқ, нега гуноҳкор бўлсин, қайтага болалари жуда яхши. У — болаларимнинг онаси. Отам билан онам қўшган умр йўлдошим, холос. Самимий юрак, оташин интиқлик, дўстлик десанг, унинг кўксида бундай ўтли ҳислар сўниб кетган. Илгари ҳам у қадар ярқираб турган аланга кўринмаган эди. Юрак ўти эрта сўнган, эрта совуган бир жон-да у! — деб, Абай гапни қисқа қилиб қўя қолди.

**Тўпай кўк — кўркам от.*

Қозоқ тилидан ЗУМРАД таржимаси.

Гулрухсор САФИЕВА,
Тожикистон халқ шоири

Тугалланмаган достон

Ҳаётдан кўз юмгач, азиз бувимдан,
Қолди бир тугуну орасида – нон.
Бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди шундан,
Ҳарчандки қидирмай кўз тикиб ҳар ён.
Шу нонни авайлаб кафтимда тутдим,
Оловга теккандай куйди қўлларим.
Бу кимдан хотира, ташлаб кетган ким?
Яқин ўтмиш томон бошлар ўйларим.
"Кемтик нон бувингдан гар қолган бўлса,
Бу, уруш нонидир, — дер қўшни кампир,
Насиба қолдирган, йигитлар кетса,
Нон ва жон сўзларин маъносидир бир".
Оҳ, энди англадим бунинг асрорин,
Демакки, нон – аскар тоғамдан нишон.
Ҳамон севгилиси айтади зорин,
Ёд этиб бечора, йиғлайди қон-қон.
Иқболи кулган қиз бўлсам-да, лекин,
Йиғладим бир парча нонинг устида...
Арпа нон олдида бошимни эгдим,
Бир парча жон каби қиммат у жуда,
Эсладим очлигу қора кунларни,
Эсладим отасиз у етимларни,
Ўғлидан айрилган оналарни жим.
Алҳазар урушдан, дўстлар, алҳазар,
Аччиқ кўз ёшлари етар, бас энди!
Тугунда қолган нон шу кунга қадар,
Тугамаган уруш достони эди.

Сенсиз

Юз шаҳар тўла одам,
Юз манзил обод эрур.
Юз хампада лиқ буғдой,
Юз чашмадан сув келур.

Мен очману мен ташна,
Қушчадирман овора.
На ҳамдам бор, на уйим,
Ошёни йўқ бедона.

Сенинг қўйингда йиғлар,
Ибодатим, видойим.
Пайғому қўшиғим лек,
Етмасинда илойим.

Ғавғога ғарқ даҳр аро
Мушкул яшамоқ сенсиз.
Одам тўла шаҳар ҳам
Бўм-бўшдир бироқ, сенсиз.

Тожик тилидан
ЖАМШИД таржималари.

А.П.Чехов

БЕБАҲО МИЛКА

Армиянинг аллақачон суяги қотган хизматчисига айланган поручик Дубов тўлқин аниқловчи мутахассис Кнапс билан ичиб ўтиришганди.

— Ажойиб қучук! — деди Дубов кучуги Милкани Кнапсга кўрсатиб. — Бебаҳо кучук! Сиз тумшуғига эътибор қилинг! Бундай битта тумшуқдорнинг баҳоси қанча, биласизми?! Агар ишқивози учратиб қолса, шунақа битта тумшуқдор учун нақд 200 сўм беради. Ишонмайсизми? Бунақа ҳолатларни сиз ҳеч қачон тушунмайсиз...

— Тушунаман, аммо...

— Ахир, бу сеттор[1], зотдор инглиз сеттори! Ўлжани пойлаб туришини кўриб ҳайрон қоласиз, сезгирлиги-чи, даҳшат! Ҳид олишини айтмайсизми, худойим-ей! Биласизми, ҳали кучукваччалигидаёқ унинг учун мен қанча тўлаганман? Юз сўм! Гаройиб ит! Милка, учар! Милка, тента-ак! Бу ёққа кел-чи, бу ёққа кел... кучуквой, менинг кучукчам...

Дубов Милкани ўзига тортиб, қулоғидан ўпиб олди, кўзларидан эса ёш чиқиб кетди.

— Сени ҳеч кимга бермайман... гўзалим менинг... Ғирт шумтака. Сен мени яхши кўрасанми, ахир, Милка? Яхши кўрасанми?.. Қани, йўқол бу ердан! — туйқусдан қичқирди поручик. — Ифлос панжаларинг билан тўғри мундирга тармашасан-а! Ҳа, Кнапс, нақд юз эллик сўм берганман, шу кучукваччага! Хўш, унда нимаси тўғри келмаяпти, дерсиз. Фақат бир нарсадан кўнгил тўлмайди: мен ҳеч қачон овга бормайман. Ишламай итни деб умримни ўтказсам, истеъдод хўр бўлади... Шунинг учун ҳам сотмоқчиман... сотиб олинг, Кнапс! Умр бўйи миннатдор бўлиб юрасиз! Хўш, агар сизда пул кам бўлса, майли, сиз учун тенг ярмига бераман... Эллик сўмга олинг!

— Йўқ, азизим... — чуқур нафас олди Кнапс. — Сизнинг Милкангиз эркак бўлгандаям майли эди, балки сотиб олардим, йўқ...

— Милка эркак эмасми? — ҳайрон бўлди поручик. — Кнапс, нима деяпсиз? Милка эркак... эмас?! Ҳа-ҳа-ҳа! Сизнингча, у урғочими? Ҳа-ҳа... Ажойиб ўғил! Ҳозирча унинг эркак ё урғочилигини фарқлаб бўлмайди!

— Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз, кўр ёки ёш бола... — аразлади Кнапс. — Албатта, урғочи!

— Эҳтимол, ҳали сиз мениям хоним дерсиз! Эҳ, Кнапс, Кнапс! Тағинам техник соҳада ўқигансиз! Йўқ, азизим, бу чинакам наслдор эркак ит! Ҳар қандай кўппак кам деганда ўн балл олдинга юради, сиз эса... эркак эмас, дейсиз! Ҳа-ҳа...



— Кечирасиз-у, Михаил Иванович, аммо сиз... шунчаки, мени ахмоққа чиқаряпсиз... ҳатто хафа қиладиган даражада...

— Майли, керакмас, қолса қолар... Олмай қўя қолинг... Сизга тиқиштираётганим йўқ! Ҳадемай ўзингиз айтиб қоларсиз, унинг дум эмас, оёқ эканини... Керак эмас, сизнинг ҳожатингизни чиқармоқчийдим, холос. Вахрамеев, коньяк!

Аскар яна коньяк келтирди. Ошналар стаканларига қуйишди ва ўйланиб, ярим соатча сукут сақлашди.

—Урғочи бўлган тақдирдаям-чи... — жимликни бузди поручик шишага хўмрайиб тикилганча, — жуда соз-да! Сизга янада яхшироқ эмасми? Бир эмас, тўрттагалаб болаласа, нима қипти... Бировлар жон деб сиздан сотиб олишади. Билмадим, эркак ит нега бунчалик ёқаркан сизга! Модаси минг марта яхшироқ-ку, жуда киришувчан ва яхшиликни унутмайдиган бўлади... Майли, модомики сиз урғочисидан шунчалик чўчиркансиз, унда келинг, йигирма бешга олинг.

— Йўқ, азизим, ҳеч қанчагаям олмайман. Биринчидан, менга умуман ит керак эмас, иккинчидан, пул йўқ.

— Шуни олдинроқ айтсангиз бўлмасмиди. Милка, кет бу ердан!

Аскар қуймоқ келтирди. Ошналар жимгина товани тозалашди.

— Сиз камсуқум одамсиз, Кнапс, виждонли... — деди поручик лабларини артаркан. — Сизни шундай қўйиб юбориш менга алам қилади, жин урсин... Биласизми, нима? Кучукни текинга олаверинг!

— Қаерга қўяман уни, азизим? — деди Кнапс хўрсиниб. — Қолаверса, уйимда ким у билан овора бўлиб юради?

— Майли, керак бўлмаса, керакмас-да... Сизни нима жин урди! Хоҳламасангиз, майли, қўяверинг... Қаёққа кетяпсиз ўзи? Ўтиринг!

Кнапс керишиб ўрнидан турди ва шапкасини қўлига олди.

— Вақт бўлди, яхши қолинг... — деди у эснаб.

— Унда, тўхтаб туринг, сизни кузатиб қўяман.

Дубов билан Кнапс кийиниб кўчага чиқишди. Юз қадамча жим кетишди.

Ҳикоя

— Нима дейсиз, бу кучукни кимга бериб юборсам экан-а? — бошлади яна поручик. — Шунақа танишларингиз йўқми, мабодо? Итни кўрдингиз, ажойиб, зотдор, аммо... менга мутлақо керакмас!

— Билмадим, оғайни... Бунақа танишлар қаёқда дейсиз?

Кнапснинг хонадонига етгунга қадар ошналар бошқа оғиз очишмади. Фақат Кнапс поручикнинг қўлини сиқиб кўча эшиги томон бурилганда Дубов томоқ қириб, алланечук иккиланиб деди:

— Сиз билмайсизми, бу ерлик қассоблар кучук олишадими, йўқми?

— Олишса керак... Бир нима дейиш қийин.

— Эртага Вахрамеевга олиб бораман... Жин ургурнинг терисини шилиб қўя қолсин... Ярамас кучук! Жирканч! Уйни ифлос қилгани етмагандай, кеча ошхонадаги бор гўштни паққос туширибди, а-аблаҳ... Кошки зоти яхши бўлсайди, чўчқага чатиштирармидим балки, ким билсин. Майли, хайрли тун!

— Соғ бўлинг! — деди Кнапс.

Кўча эшиги қарсиллаб ёпилди ва поручик ёлғиз қолди.

---

[1] Сеттор — овчи ит.

Рус тилидан
Шаҳзода ҲАКИМОВА
таржимаси.

Чингиз Айтматовнинг 90 йиллигига

Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов ижоди миллионлаб китобхонлар қалбини забт этган. Унинг асарларидаги умуминсоний ғоялар, эзгулик билан ёвузлик, адолат билан разолат ўртасидаги азалий кураш ва айни ҳодисаларнинг фалсафий ифодаси китобхонларни бефарқ қолдирмайди. Бинобарин, ёзувчи ижодининг умрбоқийлиги ҳам шунда.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорида қайд этилганидек, "Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди". Ёзувчи қолдирган бой адабий меросни ўқиш ва ўрганиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Бу вазифаларни амалга оширишда театр санъатининг имкониятларидан фойдаланиш ижобий самара бериши аниқ.

Чингиз Айтматовнинг машҳур қисса ва романлари дунёнинг кўплаб театрлари, хусусан, юртимизда ҳам қайта-қайта саҳналаштирилган. Адибнинг "Оқ кема" қиссаси ҳам бундан мустасно эмас. Қисса илк бор 1983 йил Ёш томошабинлар театрида таниқли режиссёр Маҳкам Муҳамедов томонидан саҳнага қўйилган, спектакль намойишига адибнинг ўзи ҳам ташриф буюрганди. Режиссёр қиссанинг фалсафий оламига кириб, турфа рамз ва маъжозлар орқали фавқулодда гўзал, оҳорли ва таъсирчан томоша яратишга эришганини эътироф этиш лозим. Бола тасаввурида яшаётган эзгулик тимсоли — Шохдор она буғи сценографик ечим орқали кўрсатилади, яъни томошабин бу образни рамзий маънога эга эканини ҳис қилади. Шунингдек, спектаклда сўзсиз, сукутга асосланган саҳналар ҳам учрайди. Бу томошанинг фалсафий мазмунини янада кучайтирган. Режиссёр бола образини таниқли актриса Ёдгора Зиёмуҳамедовага ишониб топширади. Нега болани актриса ўйнаши керак, деган табиий савол кўпчиликни қизиқтирарди. Актриса бола табиатини ишонарли талқин қилади, унинг масъум нигоҳлари, гоҳи қувноқ, гоҳида ҳазин овози томошабинни ром этади. Спектаклда асосий қаҳрамонлар — Мўмин чол (Эргаш Раҳимов), Ўразқул (Шуҳрат Зиёмуҳамедов), Сайдаҳмад (Лутфулла Саъдуллаев), Бекей хола (Саломат Йўлдошева) образларини гавдалантирган актёрлар ҳам ўз ижро маҳоратини кўрсатишади. Спектакль Чингиз Айтматова ҳам маъқул бўлади ва у томошадан сўнг саҳна ортига ўтиб, режиссёр ва актёрларни бирма-бир табриклайди.

Кейинчалик Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида режиссёр Неъмат Пардаев ҳам бу асарга мурожаат қилиб, ажойиб спектакль яратди. Бу сафарги талқинда асосий эътибор шахс ва жамият мавзусига қаратилди.

Режиссёр турли рамзий деталлар орқали бола хаёлида яшаётган икки хил дунё – эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги зиддиятларни акс эттиради.

«ОҚ КЕМА»нинг янги талқини

Талқин ва таҳлил

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида премьераси бўлиб ўтган "Оқ кема" спектакли машҳур асарнинг навбатдаги талқинига айланди. Асарни саҳналаштириш учун Қозоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Олмаота давлат драматик театрининг етакчи режиссёри, профессор Абубакр Раҳимов таклиф этилди. Режиссёр икки ойдан зиёд вақт мобайнида театр жамоаси билан ҳамжиҳатликда ишлаб, фалсафий руҳдаги асарнинг янги талқинини топишга ҳаракат қилди.

"Оқ кема" – хаёлот ва ҳақиқат, эртак ва ҳаёт, инсон ва табиат тушунчалари бир-бирига сингиб кетган гўзал қисса. Бир қарашда воқеаларнинг реал ёки рўёлигини ажратиб бўлмайди. Шу боис асарнинг саҳнавий талқинини яратиш осон эмас. Бунинг учун, аввало, муваффақиятли инсценировка зарур. Бу вазифани Ўзбекистон Санъат арбоби Олимжон Салимов амалга оширди. Айтиш жоизки, инсценировка муаллифи адабий матнга эркин ёндашиб, қиссанинг энг таъсирчан, ёрқин ва саҳнабоп лавҳаларини топишга интилган. "Оқ кема" ҳақида яхлит тасаввур берувчи, мантиқан бир-бирига боғланган умумий композиция ҳосил қилинган. Шунингдек, Олимжон Салимов инсценировкада муаллифнинг ижодий қарашига дахл қилмаган ҳолда саҳна имкониятлари ва талабларини ҳам инобатга олиб, воқеалар изчиллиги ва драматизмига алоҳида эътибор қаратган.

Саҳнанинг дов-дарахт билан қоплангани яшариш, янгиланиш, ҳаёт завқига ишора. Бу манзарага зид тарзда қуриган тўнкалар ҳам кўрсатилади. Буниси энди разолат, жаҳолат, зулму зўравонлик ифодасидек таассурот уйғотади. Саҳналаштирувчи рассом Бахтиёр Тўраев шу манзарага монанд ёруғ ранглларга урғу беради, саҳнани худди мўъжазгина сайёрага менгзаб, оқ тусга буркайди. Ҳатто табиатан яшил дарахтлар ҳам оқ-кўкиш тусда товланади. Оқ ранг бу – поклик, гўзаллик, меҳру муҳаббат, бир сўз билан айтганда, дунёдаги бор эзгу фазилатлар тимсоли. Қисса ва спектаклнинг "Оқ кема" деб номланишини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

Спектакль бош қаҳрамони бола (актёр Нурмуҳаммад Хўжамов) тасаввурида икки хил дунё, асарда таъкидланган икки эртак жонланади. Бири фақат ўзигагина тегишли, иккинчисини эса бобоси сўзлаб берган. У теварагида ёмонлик, ёвузлик, разолатга гувоҳ бўлганидан ўз хаёлида яратган эртаклари нақадар тотли ва сурурли эканини ҳис қилади. Бола ролини гавдалантирган ёш актёр Нурмуҳаммад Хўжамов ижросининг табиийлиги эътиборни тортади. У қаҳрамони қалбидаги изтироблар, руҳий кечинмаларни самимий кўрсатади. Бобоси қишлоққа келган кўчма дўкондан яп-янги папка олиб берганида, Шохдор она буғи ҳақидаги ривоятни илк бор эшитганида, нигоҳини олис-олисларга қадаб, оқ кема ва кемадаги отасини интиқ кутганида бола вужудининг беғубор ва шаффофлигини қалбан туямиз.

Боланинг яқин дўсти, сирдоши Мўмин чол образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Каримов ижро этди. Актёр ўз тажрибаси ва маҳоратига таянган ҳолда қаҳрамони характеридаги мутелик, вазминлик, оғиркарвонликни ишонарли талқин қилган. Унинг хатти-ҳаракатлари, қадам босишлари, ҳатто сукут сақлашда ҳам турфа ноҳақликларни кўраверириб дийдаси қотган, аммо бу иллатларга қарши бош кўтаролмаган нуроний сиймо акс этади. У набирасига Шохдор она буғи ҳақидаги ривоятни ҳикоя қиларкан, юзу кўзида қўрқинч, раҳму шафқат ифодаси пайдо бўлади. Рустам Каримов Мўмин чолнинг зоҳирий қиёфасига хос аломатларни топган бўлса-да, унинг ботини, ички туғёнларини етарлича очиб беролмаган. Ваҳоланки, асар бўйича Мўмин чолнинг дарди, изтироблари анчайин теран, бироқ спектаклда у болага нисбатан пассив бўлиб кўринади. Фикримизча, спектакль ва инсценировкада унинг руҳиятини тўла очиб бериш учун етарли материал ажратилмаган.

Бола ва Мўмин чол тасаввуридаги покиза дунёнинг зидди ўлароқ нафс ва зулм йўлини тутган, оламни фақат қора бўёқларда кўрувчи салбий персонажлар — Ўразқул (актёр Беҳзод Муҳаммадкаримов), Сейдаҳмад (актёр Бахтиёр Юсупов) ва бир гуруҳ овчи йигитлар спектаклнинг асосий конфликтини ҳаракатга келтиради. Қиссада ҳам эзгулик ва ёвузлик, некбин ва бадбин қарашлар ўртасидаги зиддият шу икки тоифа қаҳрамонлар орқали ифода этилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Беҳзод Муҳаммадкаримов ижросидаги Ўразқул инсоний фазилатлардан йироқ, нафси ҳар нарсага тайёр, золим ва тубан кимса сифатида жонланади. Айниқса, олий тимсол — Шохдор она буғини ўққа тутиб, шохларини болта билан чопаётганида, қилган ишидан ҳузурланиб қаҳ-қаҳ уриб кулганида манфур жамиятнинг бор рафтори акс этади. Шубҳасиз, бу лавҳа асар ва спектаклнинг энг авж нуқтаси. Зеро, бунда жар ёқасидаги инсониятнинг чинакам таназзулини кўриш мумкин. Буғининг бир парча гўштини тутиб, не қиларини билмай турган бола, кўз ёшига кўмилган, аммо руҳан ва жисман ожиз Мўмин чол тимсолида жамиятдан яккаланган мазлум кимсаларнинг умумлашма образи яратилган. Бола фақат эртак дунёси билан ёвузликка қарши курашади: саҳнада тутинган акаси Қулибек (актёр Ихтиёр Отажонов) пайдо бўлиб, қўлидаги автомат билан Шохдор она буғини овлаган барча ёвузларни кунпаякун қилади. Бироқ бу боланинг фикратидаги ширин рўёдан бўлак нарса эмасди...

Таъкидлаш ўринлики, спектаклда Ўразқул образига бирёқлама ёндашилган. Қиссага кўра, у фарзанд кўрмагач, ич-ичидан сиқилиб, ичкиликка ружу қўяди. Қалбидаги чексиз нафрат, аламу қийноқларнинг бир учи ҳам шу билан боғлиқ. Спектаклда эса Ўразқул табиатидаги бу жиҳатлар эътиборсиз қолдирилган, натижада қаҳрамон характерининг асл моҳияти тўла англанмаган.

Ўразқулнинг хотини, бир умр фарзандсизлик доғидан азият чеккан Бекей ролини таниқли актриса Лола Элтоева ўйнаган. Актриса Бекейнинг дарду аламга тўла ҳаётини ички эҳтиросслар ва руҳий ҳолатлар орқали кўрсатиб беради. Дилбар Икромова гавдалантирган кампир Бекейнинг бефарзандлигини юзига солганида, Лола Элтоева ижро манерасига хос динамик жўшкинлик, лирик ҳарорат юзага чиқади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Шохдор она буғи – инсониятнинг энг олийжаноб фазилатларини ўзида мужассам этган рамзий образ. Умуман, Чингиз Айтматов асарларини мутолаа қилган ўқувчи жонзотлар билан боғлиқ кўҳна ривоятларга кўп дуч келади. "Алвидо Гулсари"даги вафодор от Гулсари, "Асрга татигулик кун"даги Қоранор туя, "Қиёмат"даги Акбара исмли бўри образлари бунинг ёрқин ифодасидир. Адиб асарларини саҳналаштираётган режиссёр ушбу рамзларга жиддий аҳамият қаратиши зарур. Афсуски, "Оқ кема" спектаклида Шохдор она буғи образи ниҳоятда жўн ва схематик чиққан. Актриса Мадина Мухторованинг буғи либосида саҳнага чиқиши ва дидактик оҳангда сўзлаши, Айтматов тагматнларидаги фалсафаю ташбеҳларни йўққа чиқаради. Биз юқорида Маҳкам Муҳамедов саҳналаштирган спектаклда Шохдор она буғи образи рамзий йўсинда кўрсатилганини таъкидлаган эдик. Мазкур спектаклга ҳам айнан шундай ёндашилса, тўғри бўларди, деб ўйлаймиз.

Қайд этилган камчиликларга қарамай, Чингиз Айтматов қаламига мансуб машҳур асарнинг академик театр саҳнасига қўйилиши қутлашга арзигулик ҳодиса. Қолаверса, адиб таваллудининг 90 йиллиги арафасида бу саъй-ҳаракатнинг салмоғи янада ошади. Ҳозир мамлакатимиз театрларида Чингиз Айтматов асарлари асосида қатор спектакллар саҳналаштириш режалаштирилган. Хусусан, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқий театрида "Сарвқомат дилбарим", Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида "Жамила", Жиззах вилояти мусиқали драма театрида "Чингизхоннинг оқ булути" асарларини саҳнага қўйиш учун тажрибали режиссёру актёрлар жалб этилган. Давлатимиз раҳбари томонидан қўшни мамлакатлар билан дўстлик-биродарлик алоқаларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётган бир даврда бундай изланишлар, албатта, зарур. Шу маънода қирғиз ёзувчисининг "Оқ кема" асари қозоқ режиссёри томонидан ўзбек театрида саҳналаштирилишини ҳам қардош халқлар ижодкорларининг дўстлиги, ҳамкорлиги маҳсули сифатида эътироф этиш лозим.

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ,
тадқиқотчи

«Ушшоқи Ҳўқанд»

Ўзбек миллий мусиқа санъати кўҳна ва бой меросга эга. Бу бебаҳо хазинадан ўрин олган ҳар бир асарнинг ўз тарихи, бадиий ривожланиш йўли, давр билан ҳамоҳанг ижро усуллари бор. Улар орасида, айниқса, мақомот йўналишида яратилиб, халқимиз дилидан жой олган мумтоз наволар кўп. Шундай умрбоқий ижод намуналаридан бири шинавандалар томонидан севиб тингланадиган машҳур "Қўқон ушшоғи" ашуласидир. Ушбу асар мумтоз мусиқамизнинг Ушшоқлар туркумидан алоҳида жой олган шўъбасига айланган. Тарихий манбаларда "Ушшоқи Ҳўқанд" деб номланган ушбу асар яратилишида ўз даври учун инновацион аҳамиятга эга бўлган технологияларнинг ҳам ҳиссаси борлиги қизиқарли.

Ҳозирги пайтда мақом шинавандалари бу асарни Юсуф Сарёмийнинг:

Қаро кўзингни асири мудом сурмаи ноз,
Замона кўрмади сен каби бути танноз —

матлаъси билан бошланадиган ғазали ижросида тинглашади. Аммо асар муаллифи аслида бошқа ғазални куйга солгани кўпчиликка маълум эмас. Биз тилга олмоқчи бўлган далиллар бирор-бир манбада қайд этилмаган, лекин катта авлод мақомдонлари хотирасида ибратли воқеа сифатида яшаб, тилдан-тилга ўтиб келган.

Устоз санъаткорлар Жўрахон Султонов, Маъруфхожа Баҳодиров, Орифхон Ҳотамов маълумотига кўра, бу асарнинг ҳозирги ижроси машҳур устоз Ҳожи Абдулазиз томонидан ишланган экан. Орифхон Ҳотамовнинг хотирлашича: "Шўро инқилобидан аввалги даврда тошкентлик Илҳом самоварчи деган тадбиркор Тошкентга "граммофон" олиб келган. Шу билан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида граммофон деган "техника мўъжизаси" урф бўла бошлади. Аммо граммофон соҳиблари эшитиши учун грампластинкалар, яъни миллий қўшиқлар ёзилган лаппаклар зарур эди. Тадбиркор Илҳом самоварчи бу йўлда ҳам ҳаракат қилиб, Ригадан овоз ёзувчи техник воситалар билан шуғулланувчи "Пишущий Амур" ширкатини таклиф қилади ва ўша вақтлардаги Ўзбекистоннинг машҳур ҳофизлари овозини грампластинкага ёздиради. Шу аснода ўзаро унча яқин алоқада бўлмаган Бухоро-Самарқанд йўналишидаги ижодкорлар Фарғона водийси ва Тошкент ҳофизларининг нафаларини эшитишга муяссар бўлдилар. Водийликлар ва тошкентликлар эса уларнинг мақомот йўлларидаги ижроларидан баҳраманд бўлдилар".

Мақом маданияти

Ушбу имкониятдан фойдаланган қўқонлик устоз ҳофизлар Ҳамроқул Қори ва Эрка Қори ҳам бир неча ашулаларни грампластинкага ёздиришга муваффақ бўлишган. Бу икки санъаткор бетакрор овози билан эл орасида машҳур эди. Айниқса, Ҳамроқул Қори ҳақида кўп ибратли воқеалар етиб келган. Халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамовнинг Жўрахон Султоновдан эшитган таърифига кўра: "Ҳамроқул Қоридек "бичиқчи чевар" ашулачи бўлмаган. Сабаби, катта йиғин ва издиҳомларда Ҳамроқул Қори қўлига бирор-бир баёзни олиб, бир кўришда бадиҳагўйлик билан янги ашулаларни куйга солиб айта олган ва шу издиҳомда беш, олтита янги ашулани тингловчиларга тақдим эта олган".

Ҳамроқул Қори ўзининг "Қачон келасиз" деб номланувчи Ушшоқ йўлидаги катта ашуласини ҳам пластинкага муҳрлайди. Илҳом самоварчининг ҳаракатлари билан бу пластинкалар бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб сотувга чиқарилди. Одамлар бозор ва гузарларда граммофон орқали Тўйчи Ҳофиз, Левича Ҳофиз, Ҳамроқул Қори каби катта ҳофизларнинг ашулаларини жон диллари билан тинглашган. Бадавлат одамлар ушбу пластинкаларни ўз граммофонлари учун сотиб оларди. Бу орқали халқимиз ўз даврининг моҳир созанда ва хонандалари санъатидан баҳраманд бўлган.

Самарқандлик устоз Ҳожи Абдулазиз ушбу грампластинкаларни тинглаб, Ҳамроқул Қорининг "Қачон келасиз" ашуласини ёқтириб қолади ва бу ҳофизларни суриштира бошлайди. Уларнинг водийлик эканини, Қўқон атрофида яшашларини эшитгач, усулсиз айтилган Ушшоқ йўлидаги катта ашулани усулга солади ва мақом намудлари билан бойитади. Ашулани эса машҳур форсийгўй шоир Ҳилолий қаламига мансуб:

Ба ҳоки пойи ту сарви нозпарвариман
Ки жузъ ҳавои висоли ту нест бар сариман —

матлаъси билан бошланадиган ғазал асосида ижро қилади ва "Ушшоқи Ҳўқанд" деб атайди. Бунга сабаб Ҳожи буванинг бағоят ҳалоллиги эди. Чунки бу ашулани "Ушшоқи Ҳожи Абдулазиз" деб номласа бўларди, аммо у киши ундай қилмади. Грампластинкадаги ҳофизларнинг қўқонлик эканини аниқлаганидан сўнг ҳеч иккиланмай "Қўқон ушшоғи" деб атади. Ҳожи буванинг ўлмас асарлар яратгани қанчалар ҳақиқат бўлса, у кишининг "Бозургоний", "Бебоқча", "Самарқанд ушшоғи" каби ашулаларни номлашда ҳам ҳалоллик ва инсоф билан ёндашгани шунчалар ҳақиқатдир. Устозларимиз томонидан амал қилинган бундай гўзал анъаналар бугунги ёш ижрочилар учун ўрнак бўлишга арзийди.

"Қўқон Ушшоғи" ашуласи мақом йўлида куйланиб, устоз хонандалар орасида кенг оммалашган. Бу борада таниқли олим Исҳоқ Ражабов ҳам ўзининг мақомлар тадқиқотига бағишланган "Мақомлар масаласига доир" номли монографиясида қуйидаги маълумотларни баён этган: "...бухоролик ҳофизлар "Қўқон ушшоғи"га Сегоҳ, Ушшоқ, Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудларини қўшиб айтган бўлсалар, Фарғона водийсида эса фақат намуди Сегоҳ билан чекланганлар. Тожикистонда унга ҳатто Зебо пари авжини ҳам қўшиб ижро этганлар".

Кейинчалик, устоз Юнус Ражабий Шашмақомни таълиф қилганида "Қўқон ушшоғи"ни ҳам бутунлай бошқа ғазал — Огаҳийнинг:

Фиғонки, ёр вафо аҳлига ситам қиладур,
Ниёзу ажз гуноҳига мунтаҳам қиладур —

матлаъси билан мақомчиларга ижро қилдирди. Бу ерда мақомот қоидалари буткул сақланган ҳолда "Қўқон ушшоғи" катта мақом ашуласига айланди. Мақомчилар ансамбли ушбу сўз билан ижро этсалар, халқимиз орасида Юсуф Сарёмий сўзи билан ижро этиш хонандалар орасида кенг оммалашган.

Маҳмуджон ТОЖИБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ҳофизи,
Сойибжон БЕГМАТОВ,
мусиқашунос

ПАРВОЗ

Хабарлар

Пойтахтимиздаги тасвирий санъат галереясида очилган рассом Зелимхон Саиджонов кўргазмаси томошабинлар билан гавжум бўлди. Бу мусаввирнинг ижодий изланишларида Европа тасвирий санъати намуналари, хусусан, П.Пикассо, Э.Нольде ижоди ҳамда ўзбек халқ амалий санъати яхши туртки бўлган. З. Саиджоновнинг ҳар бир асарини кўриб-кузатиб, уларда мусаввирнинг теран қалби, соҳир туйғулари талқинларига гувоҳ бўласиз. "Оила" туркумидаги ота, она ва бола қиёфалари тасвирларидаги содда, самимий талқинларда ёрқин ранглар мужассам. "Она ва бола" асари композициясидаги самимийлик томошабинда ҳаётга муҳаббат ҳиссини қучайтиради. Ижодкорнинг кўрган-кечирганлари "Аравакаш", "Парвоз" каби асарларига кўчган.

Мусаввирнинг ёшлик кезларида чизган асарларидан тортиб ижодий камолотга эришган палласида яратган картиналаригача кўргазмага қўйилган. Бу асарлар ўзбек рассомлик мактабининг ривож топишида З.Саиджоновнинг қўшган ҳиссасидан далолат бериб турибди.

С.ҚОСИМОВА

ИБРАТ МАКТАБИ

Юртимизда ўзбек рақс санъати ривожига катта ҳисса қўшган устоз ижодкорлар фаолияти ҳамиша ардоқда. Буюк санъаткорлар Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Исохор Оқилов издошлари бўлган Қундуз Миркаримова, Гулнора Маваева, Бернора Қориева, Клара Юсупова, Вилоят Оқилова сингари етук рақс усталарининг ижоди бугун ёшлар учун ибрат мактабига айланган. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ўтган "Устозларга эҳтиром" хайрия концертида кенг жамоатчилик вакиллари, ижодкор ва мухлислар устоз санъаткорлар билан учрашиб мулоқот қилиш, фидокорона меҳнатлари учун миннатдорлик билдириш имконига эга бўлишди.



Кечада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Б.Сайфуллаев сўнгги йилларда рақс санъатида кўзга ташланаётган муаммолар устоз ва шогирд анъаналари билан боғлиқлигини таъкидлади. Катта саҳналарда, хусусан, эстрада хонандаларининг қўшиқлари учун ижро этилаётган ўйинлар оддий ритмик ҳаракатлар билан чекланиб қолмоқда. Ёш ижрочилар орасида истеъдодини эмас, ўзини кўз-кўз қилиш авж олган. Бу муаммоларни ҳал этишда устоз ижодкорлар фаолияти ёшлар учун маҳорат мезони сифатида хизмат қилади. Шу билан бирга, уларнинг ижодий меросини ўрганиш, машаққатли меҳнатини эътироф этиб, эъзозлаш маданият аҳлининг бурчи эканини ҳам унутмаслик лозим.

Кеча давомида "Сабо" ансамбли ижросида "Фарғона рубойиси", Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева қайта саҳналаштирган "Хамса" (Алишер Навоий достонлари асосида) рақслари, шунингдек, "Тоҳир ва Зуҳра", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" спектаклларидан кўринишлар намойиш этилди. Шерали Жўраев, Ортиқ Отажонов, Озодбек Назарбеков сингари эл суйган санъаткорларнинг ашула ва қўшиқларига ижро этилган рақслар ҳам мухлислар олқишига сазовор бўлди. Тадбир муносабати билан Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси устоз санъаткорларни қутлаб, уларга совғалар топширди.

Ўз ахборотимиз

Рамазон мутолааси

Ёқубжон ШУКУРОВ

ОДАМ — ОЛАМ ЗИЙНАТИ

Ҳаётда одамга нисбатан ҳурматсиз бўлишдан, кўнглини оғритишдан оғир жиноят йўқ. Зероки, одам — олам зийнатидир!

* * *

Чарчоқликка қарши энг яхши дори — гўзалликдан баҳра олиш, ҳузур топа билиш. Бу — истеъдодли одамнинг энг яхши фазилатларидан биридир.

* * *

Беғубор, самимий одам ўтиришга файзгина эмас, жон киритса, тўнгхудбин одам ўтирганлар жонига ҳамла қилаётгандек бўлади.

* * *

Одамларни қувонтириш истаги билан яшаган одам ўлимдан қўрқмайди. Негаки, бундай одам ўлганидан кейин ҳам руҳан яшайди.

* * *

Инсон мавжудотлар ичида энг мукаддаси бўлгани учун мукаддас интилишларни, мукаддас ғояларни эъзозлайди, бу йўлда, ҳатто жонини ҳам фидо қилади. Зеро, улуғлик фазилати улуғликни қийлашдир.

* * *

Ҳар бир кишининг, у кексами ёки ёшми барибир, ажиб эзгу юрак сири бўлади. Шундай сирки, ошкор қилса гўё бебаҳо нарсасидан жудо бўлиб қоладигандек, кимгадир айтмаса юраги тўлиб-тошаётганга ўхшаб туюлади. Шу сабабли одамга ҳамиша сирдош, дардкаш керак.

* * *

Ўзгалар камчилигидан ўз камчилигини пайқаб, дарҳол тузата оладиган одам энг зийрак ва фозил одам ҳисобланади.

* * *

Тарих — инсониятнинг тараққиёт, ҳаракат йўлидир, шу сабабли уни билмаган одамнинг маданият ҳақида ёки тарбия ҳақида сўз юритиши кулгили ҳолдир.

* * *

Тузини ичиб тузлиғига тупуриш — ҳайвонлик, тузини оқламаслик — шармандаликдир.

* * *

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, алам-шодлигини кўрган одамгина шодликнинг қадрига етади, одамларга яхшилик қилишга интилади.

* * *

Мен ўзимни гоҳ гулзорга учиб бол келтирувчи асаларига, гоҳо қумдан олтин ажратувчи кончига, баъзан эса ҳазрат Навоийдан сабоқ олаётган ўқувчига ўхшатаман. Буларнинг ҳаммаси — китобхонликнинг буюк шарофатидан.

* * *

Одам кимларнинг кўзига алдоқчидек, душмандек кўринса, кимларга шафқатли, дилбар кўринади. Агар сен қалбинг овозига қулоқ солиб яшасанг, дўсту душманни бехато ажратиб оласан.

("Дил кўзгуси" китобидан.)

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

УМРА ЗИЁРАТИ

Биз Умра зиёратига борувчиларнинг бешинчи гуруҳига кирган эдик. Бир ҳафта аввал Ҳазрати Имом масжидида гуруҳдаги 48 киши зиёратда бизга раҳбарлик қиладиган Абдулҳаким Орипов билан учрашдик. У киши ҳаж ва умра зиёратига кўп бор гуруҳ раҳбари сифатида бориб, шарт-шароитларни яхши ўрганган.

— Ҳаж ва умра зиёратининг ўзига яраша машаққатлари бор, — деди у. — Ибодатни охиригача яхши бажариш сизларнинг интизомингиз, йўл-йўриқларга тўғри амал қилишингизга боғлиқ. Сизлар покланиш учун боряпсизлар...

Ислом шариатида Байтуллоҳнинг махсус зиёратига "умра" дейишади. "Умра зиёрати" қўлланмасида ибодат тартиби батафсил тушунтирилган.

Зиёратчиларга Ўзбекистон байроғи туширилган, мамлакат номи ёзилган нимча ва шундай белгилар бўлган кичик сумка, яна бўйинга осиб юриладиган, кишининг расми бор ёрлиқлар берилади. Бундай "форма"ни бошқа мамлакатлар фуқароларида кўрмайсиз. Булар араб ва инглиз тилларини билмайдиган, Маккага илк бор бораётган юртдошларимиз адашиб қолмасликлари учун қилинган.

Айтилганидек, эрталаб соат 5.00 да Ислом Каримов номидаги халқаро аэропорт кутиш залида тўпландик. Соат 8.00да 233 нафар зиёратчи "Боинг"да Тошкентдан Жиддага парвоз қилди. Самолётда зиёратга бораётган юрист Абдураҳмон Муродуллаев, ҳайдовчи Ҳамидулла Тешабоев, қурувчи Мирмаҳмуд Ҳакимов билан танишдим. Зиёрат давомида бир-биримизга кўмаклашиб, ҳамжиҳат ибодат қилишга ваъдалашдик.

Жидда вақти билан соат 11.00 да самолётимиз манзилга қўнди. Аэропорт бир пайтнинг ўзида 40 та самолётни қабул қила олади. Учоқлар тинимсиз учиб-қўниб турибди. Осиё, Африка ва Европадан зиёратга келаётган турли миллатга мансуб кишиларни учратиш мумкин. Соат 12 дан ошганда автобусларда Мадина сари йўл олдик. Бу ерда ўн икки ой – ёз. 3 февральда Жиддада ҳарорат 35 даража эди.

Шудгорланган далага ўхшаш қип-қизил қум ва катта-кичик тошлардан иборат саҳрони равон бетон йўл ўқдай кесиб ўтган. Саудия Арабистони саҳро ва ярим саҳродан иборат, сув манбалари жуда кам. Воҳалардагина суғорма деҳқончилик мавжуд. Аҳоли қудуқлардан фойдаланади. Иссиқ тропик иқлим, январь ойида ҳарорат ўн-йигирма даража иссиқ, июлда эса 45-50 даража ва ундан ҳам ошиб кетади. Ёмғир кам ёғади. Қор эса умуман ёғмайди...

Мамлакатнинг Қизил денгизга яқин ҳудудларида оқар сув, экин экишга яроқли майдонлар бор, дейишади. Ўтган аср 80 – 90-йилларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кўп иш қилинган. Ҳозир мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ўзи таъминлайди. Чет элга нефть, буғдой ва хурмо экспорт қилади. Зиёратчиларга сервис хизмати юксак даражада. Мамлакатда ҳаж ва умра масалалари билан шуғулланадиган махсус вазирлик бор.

Йил мобайнида беш миллионга яқин киши ҳаж ва умра зиёратига келади. Уларга сифатли хизмат кўрсатилади.

Ўзбекистонда ҳам халқаро алоқалар кучайиб, туризм ривожланмоқда. Чет элларда Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимизни кўришга орзуманд кишилар кўпаймоқда. Туризм келажакда мамлакат иқтисодиётининг муҳим соҳаси бўлиб қолиши керак. Бу борада араб биродарларимиздан кўп нарса ўргансак бўлади.

Мадинаи мунаввара ва, хусусан, Расулуллоҳ с.а.в.нинг муборак масжидлари зиёратининг файзи ҳақида кўплаб ҳадислар бор. *"Солатун фий масжидий ҳаза хойрун мин алфи солатин фийма сиваҳу иллал масжидал ҳаром"*. Яъни "Менинг масжидимдаги бир намоз ундан бошқасидаги мингта намоздан яхшидир, фақат Масжидул Ҳаромгина бундан мустасно". Чунки Масжидул Ҳаромдаги (яъни дунёдаги барча орзу-ҳавас, ташвишу қайғу ҳаром қилинган жойдаги) бир намоз савоби бошқа оддий масжидлардаги юз минг намоз савобига тенгдир. Расулуллоҳ(с.а.в)нинг масжидларига боришдан аввал ғусл қилиб, мушк-анбарлардан сепиб, тоза кийимларни кийдик. Йўлда

Соллаллоҳу ва ала Муҳаммад
Соллаллоҳу ва алайҳ вассалам —

деб салавот айтиб бордик. Масжидга киришда ўнг оёқни қўйиб *"Бисмиллоҳи вассолату вассаламу ала Расулуллоҳ"*, дедик. Яъни *"Аллоҳнинг номи билан (кираман), Расулуллоҳга салавот ва саломлар айтаман"*, дедик. Сўнгра қалбдаги энг яхши дуоларни айтиб Равза сари юрдик.

Пайғамбаримиз милодий 632 йилда аёллари Ойша билан яшаган уйда вафот этиб, шу уйнинг ўзида дафн этилганлар. У киши "Уйим билан минбарим ўртасида бир боғ бор", деганлар. Шунинг учун Равзада икки ракат намоз ўқидик. Кейин ниҳоятда одоб билан, оҳиста Расулуллоҳнинг қабри томон бордик. Қабри шарифга юзланиб туриб, тўғрисига келганда *"Ассалому алайка ё Расулуллоҳ ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ!"* дедим. Сўнг ҳамкасб дўстларим ва фарзандларимнинг саломларини пайғамбаримизга етказдим.

Расулуллоҳ с.а.в. ҳадиси шарифда: *"Бирор киши менга салом берса, албатта, Аллоҳ менинг руҳимни қайтаради ва мен ўша одамнинг саломига алик оламан"*, деган эканлар. Шуни ўйлаганимда кўнглим юмшаб, кўзларимга ёш келди. Ўзимни бахтли ҳис қилдим. Муҳаммад алайҳиссалом қабрига келиб, салом бериш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган ҳодиса-ку. Мен шунга етказганига шукр қилдим... Пайғамбаримизнинг ёнида сафдоши ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.), унинг ёнида ҳазрати Умар ибн Хаттоб (р.а.) ётибди. Қабрлари ёнига келганда уларга ҳам салом бердим. Сўнг Мадина ҳарамига кириб Қуръон тиловат қилдик, салавот ва дурудлар айтдик.

Муҳаммад алайҳиссалом масжиди ноёб меъморлик намунаси. У маҳобати, нафосати, гумбазлари қуёш нурида ажойиб бир тарзда товланиб туриши билан ўзига мафтун этади ва дунёда зиёратчилар энг кўп келадиган қадамжолардан бири ҳисобланади. Айниқса, тунда – миноораларига ўрнатилган яшил ва оқ чироқлар порлаб турганда жуда жозибадор кўринади. Бу ердан куну тун одам аримайди. Бу улкан масжид подшоларнинг бир неча авлоди умри мобайнида бунёд этилган. Уни барпо этишга Усмонли турклар кўп маблағ ва куч сарфлашган.

Пайғамбаримиз масжидидан чиққач, шарқ томон юриб, катта кўчани кесиб ўтсангиз "Бақиъ" қабристони келади. У Мадинадаги энг катта ва қадимий қабристон. Унда жаннатилиги тириклигида башорат қилинган ўн саҳоба дафн этилган. Шулардан бири Ҳазрати Усмон(р.а.)дир. У пайғамбаримизнинг икки қизи — Руқия ва Умму Гулсумга уйланган. Қабристонда бундан ташқари Ҳазрати Абдураҳмон бинни Ауф, Ҳазрати Сад бинни Муаз дафн этилган. Ҳазрати Сад бинни Муаз вафот этганда Арши аъло ларзага келган дейишади. Қабристонга жами ўн минг саҳоба дафн этилган. Ҳазрати Фотима, Ойша онамиз, пайғамбаримизнинг яна тўққиз аёли ҳам шу жойга қўйилган. Ҳазрат Алининг набиралари Имом Ҳасан, Имом Жаъфар Содиқ ҳам шу ерда абадий қўним топишган.

Биз ўзбекистонлик зиёратчилар Мадинага келган кунимизнинг индинига Пайғамбар алайҳиссалом билан боғлиқ қадамжоларга, жумладан, Уҳуд тоғига, Икки қиблали масжидга, Кубо масжидига бордик. Бизга шу ерлик ўзбек, Руломжон қори Абдураҳмон йўлбошчилик қилди.

Давоми келгуси сонда.

Ғайрат МАЖИД

ҮЛҮҒ САҲҲОБАГА ӘҲТИРОМ

"Қусам ибн Аббос – Шоҳи Зинда" номли тарихий-маърифий китобни ўқиб, кўнглимда талайгина фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди. Дарҳақиқат, одам ўз қалбидаги кўплаб саволларга китобдан жавоб топади. Кимлар саҳоба деб аталади? Саҳоба бор жойда фатҳу зафар ёр бўлишининг ҳикмати нимада? Саҳобалар нима сабабдан авлиёларнинг улуғи саналади? Шоҳи Зинда деб шараф топган зот қандай ошлада вояга етган? Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррама шаҳарларининг ҳокими бўлган улуғ зот қандай мақсад билан қадимий Мовароуннаҳр, кўҳна Самарқандга келиб қолган? Бу каби саволлар, албатта, ҳар бир ватандошимизни қизиқтиради.

Қачон йўлим Тошкентдан туғилган жойим – Хўжаилмкони қишлоғи, яъни Китоб туманига тушса, албатта, таббаррук зот, азиз саҳоба, пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳам ота, ҳам она томонидан қариндошлари, бемисл шахс Қусам ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) – Шоҳи Зиндани зиёрат этаман, тиловат қиламан, маънавий бахралар оламан. Бу манзил ҳақида тўла тасаввур пайдо этадиган, бу муборак зот ким эканлиги тўғрисида атрофлича маълумот берадиган бир китоб-рисола бўлишини истардим. Бу фақат истак эмас, эҳтиёж ҳам эди. Менга ўхшаган зиёратчилар, сайёҳларга ҳамда Шоҳизинда ансамблига келганларга тушунтириш ишларини олиб борадиганлар учун ҳам бир асар керак эди.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, шундай манба олам юзини кўрди. "O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир, таржимон ва тазкиранавис Мирзо Кенжабекнинг "Қусам ибн Аббос – Шоҳи Зинда" (розияллоҳу анҳумо) китобини чоп этди.

Усмонхон Алимов ушбу рисола муқаддимасида, жумладан, шундай мулоҳазаларни баён этган: "Ҳазрат Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакизодалари, болаликдан ул Жанобнинг дуоларига эришган, ул Жанобнинг муборак жасадларини ювиш, кафанлаш ва дафн этишда қатнашган, ул зотни қабрларида энг охирги марта кўрган, улқлари ва шакл-шамоиллари жиҳатидан ул кишига энг кўп ўхшаган, қисқа вақт Мадинаи мунаввара, сўнг анча вақт Маккаи мукаррама шаҳарлари ҳокими бўлган, бу даврда ҳаж ишларига раҳбарлик қилган, умр охирида Саъид ибн Усмон (розияллоҳу анҳу) лашкари сафида Мовароуннаҳрга келиб, Самарқандни фатҳ этган, у ерда шаҳид бўлиб, дафн этилиб, бу диёрнинг шараф топишига сабаб бўлган азиз зотнинг ҳаёти лавҳалари китобхон қалбида завқу шавқ уйғотади, уларнинг у кишига бўлган ҳурмат ва муҳаббатларини зиёда қилади."

Ушбу китобни тайёрлаш учун муаллиф анча заҳмат чеккани, изланишлар олиб боргани, мутолаа жараёнида ўқувчига, албатта, аён бўлади.

Саҳобалар фазилати билан боғлиқ муқаддима китоб моҳиятини теран англашга хизмат қилади. Зотан, мутолаага киришган китобхонга саҳобалар, уларнинг иймон-эътиқод йўлидаги хизматлари тўғрисида етарлича билимга эга бўлиш юртимиздаги ушбу зиёратгоҳнинг қанчалар улуғлигини ҳис этишга кўмак беради. Асарда акс этган Қусам ибн Аббоснинг насаблари, отаона, ака-укалари ҳамда бу азиз зотнинг фазилат ва шарифлари ҳақидаги сўзлар катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, муаллиф ушбу китобга Қусам ибн Аббос ҳазратлари томонидан баён қилинган ҳадислар ва ҳикматли сўзларни ҳам киритган. Эътиборли жиҳати, бу мулоҳазалар Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абул-Лайс Самарқандий, Умар ан-Насафий, Шарафиддин Али Яздий, Абу Тоҳирхўжа Самарқандий, Мирзо Бобур, Имом Раббоний каби буюк аллома, маънавият пешволари асарларида келтирилган маълумотлар асосида ёзилган. Табиийки, бу асарнинг илмий даражасини оширишга хизмат қилади.

Табаррук зиёратгоҳдаги илк обидалар тарихи XI — XII асрларга бориб боғланади. Уни улкан мажмуага айлантиришдек мислсиз хайрли ишни Соҳибқирон Амир Темур бошлаб берган. Бу азиз жойни обод этишга кўп ҳукмдорлар насибадор бўлишга интилишган. Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси, буюк султон ва аллома Мирзо Улуғбек, Амир Шоҳмурод кабиларни алоҳида эътироф этиш мумкин. Шу каби давлат арбобларининг муқаддас қадамжога эътибор ва эътиромодлари боис бу муаззам обида ўзгача қиёфа касб этган. Масжид, мадраса ҳамда мақбараларнинг қад ростлаши Шоҳизинда ансамбли салобатини оламга кўз-кўз этиб турибди.

Рисолада Шоҳизинда ҳазирасида дафн этилган тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларга ҳам кенг ўрин берилгани таҳсинга лойиқ. Шубҳасиз, бу зиёратчилар у ерда ётган тарихий шахслар ҳақида ҳам билимга эга бўлишни хоҳлашади. Уларнинг бу истаклари эса китоб мутолааси жараёнида амалга ошади. Таъкидлаш ўринли, мажмуадаги обидаларда ёзилган арабий ёзувларни ҳамма ҳам ўқий олмайди. Китоб муаллифи ана шу обидалар тарихи ҳақида маълумотлар келтириш билан бир қаторда, улардаги арабий ёзувлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтган.

Ҳазрат Қусам ибн Аббос мақбараси жаҳон азизларининг мулоқот масканидир. Ҳазрат Қусам Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) мақбаралари дунёдаги хожагон азизларининг зиёрат ва машварат мақомига айланган. Мазкур силсиланинг улуғларидан бўлмиш ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний муршид ва устозлари ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадонийдан ушбу муборак манзилда иршоднома ва ижозат неъматини олишга мушаррраф бўлганлар. Баъзи манбаларда ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг бу даргоҳдаги ибодат ва зиёратлари ҳам қайд этилган. Ушбу рисола китобхонга ана шундай маълумотларни етказиши билан ҳам эътиборлидир.

Китобнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, кишилар улуғлар ётган табаррук манзилларни зиёрат этишга, тиловатлар қилишга катта ихлос билан қарайдилар. Бироқ зиёрат одоблари тўғрисида ҳаммамиз ҳам зарур кўникмаларга эга эмасмиз. Айни мана шу ҳолатни теран англаган мусанниф Мирзо Кенжабек китобга зиёрат одоблари ҳамда қабр аҳлига салом бериш шаклларини ҳам илова этган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки,китоб ўқувчига улуғ саҳоба, Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакизодалари Қусам ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) ҳамда Шоҳизинда мажмуасининг ўтмиши ва бугуни тўғрисида кўп қиммматли маълумотларни беради. Бу тасниф халқимиз ва зиёратчиларимиз учун жуда катта туҳфадир.

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди Республика Мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб **"МЕН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН!"** номли бадиий-публицистик мақолалар тўпламини чоп этиш бўйича нашриётлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб ўн кун.

КИТОБНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:

Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муқовада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда.

Ҳажми: 200 бет. Адади: 2000 нусха.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди Республика Мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб **"АДИБ ВА ЖАМИЯТ"** туркумида тайёрланган қуйидаги китобларни чоп этиш бўйича нашриётлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб ўн кун.

КИТОБНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:

1. **Эшқобил ШУКУР "Бобо сўз изидан"** (илмий-бадиий).
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муқовада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда.
Ҳажми: 350 бет. Адади: 2000 нусха.
2. **Шодмонқул САЛОМ "Кўнгил обидасига йўл"** (эсселар, публицистик мақолалар).
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муқовада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда.
Ҳажми: 270 бет. Адади: 2000 нусха.

ТАНЛОВГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР КЎРСАТИЛИШИ ШАРТ:

1. Босмахона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия (рухсатнома) нусхаси.
2. Картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома.
3. Нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари.
4. Танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони.
Телефонлар: 231-69-87; 231-69-88; 231-83-51

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли олим ва моҳир таржимон **Суюн ҚОРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Гулжамол Асқаровага волидаи муҳтарамаси **РИСОЛАТ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Дугоналар" журнали ижодий жамоаси журнал бадиий муҳаррири Гулжамол Асқаровага волидаи муҳтарамаси **РИСОЛАТ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Манзилимиз:
Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Электрон манзилимиз:
uzas.gzt@mail.ru

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁР

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ

Навбатчи муҳаррир — Мурод АБДУЛЛАЕВ

Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 05.55

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.

Адади — 4823. Буюртма Г — 582.

Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X
9 772181 614000

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.